Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 16 (20. 583) • 1990 йил 19 январь, жума • Баҳоси 3 тийин.

Ленин ҳақида хотиралар

Ун жилдлик «Владимир Ильич Ленин ҳақида хотиралар» нашрининг учинчи жилди чиқарилди. Унга ўтган аср охиридан биринчи жаҳон урушининг бошланишига қадар бўлган катта тарихий даврни ёритувчи ёдномалар киритилган. Булар — Владимир Ильичнинг сафдошлари, инқилобий курашнинг мураккаб шароитида В. И. Ленин раҳбарлигида ишлаган партия ва давлат арбоблари, шунингдек унинг замондошлари ёзиб қолдирган хотиралардир.

«Хотиралар»нинг учинчи жилди «Сиёсий адабиёт» нашриётида чоп этилди.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШГА БУТУН КУЧ-ҒАЙРАТНИ САРФЛАЙЛИК

18 январда Москвада ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг, Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Катта Кремль саройида заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш бирлашмаларидан, колхоз ва совхозлардан, кооперативлар, ижарачи коллективлар, фан-техника, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлардан вакил бўлиб келганлар тўпланишди.

Кенгашда М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Ивашко, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, Э. А. Шеварднадзе, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар иштирок этмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев кириш нутқи билан очди.

Шундан сўнг қайта қуришга доир муаммоларнинг кенг доираси бўйича фикр алмашув бошланди.

(Кенгаш тўғрисидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

(ТАСС).

ҚИШЛОҚЛАРДА КОРХОНА

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Бугунги кунда қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш долзарб муаммолардан бўлиб турибди. Бу борада муайян ишлар қилиняпти. Масалан, Чироқчидаги уй меҳнати фабрикасида кейинги уч йил ичида ишловчилар сони тўрт баравар кўпайди. Бу қишлоқ жойларда филиалларнинг кўпайтирилиши, аёлларни уй меҳнати билан шуғулланишга жалб этилиши натижасидир. Бугунги кунда корхонада ишлайдиган 850 кишининг атиги тўртдан бир қисми бош корхонада ишлайди. Қолганлари эса қишлоқлардаги филиалларда ҳамда уй меҳнати билан шуғулланади.

Фабрикада маҳсулот турлари тобора кўпайиб, унинг сифати ошмоқда. Айни пайтда бу ерда тайёр кийимларнинг 15 тури ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг бари харидорларга манзур бўлаётир. Ўтган йилнинг бошларидан бери умуман корхона бўйича 4 миллион сўмлик, яъни мўлжалдагидан 57 минг сўмлик кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

Корхона коллективи 1990 йилни ҳам кўтаринки руҳ билан бошлади. Бу ердаги янги, замонавий дастгоҳларда сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Коллектив январь ойи планини бажариш арафасида. Ойсифат Жабборова, Муқаддам Нордова, Ҳалима Келдиева, Ҳанифа Раҳматова, Миннигул Сомонова, Насиба Холбекова, Шарофат Иброҳимова ва бошқалар чевар тикувчи сифатида обрў-эътибор қозонишган. Улар доимий равишда план-топшириқларини 105—108 процентга адо этмоқдалар. Илғорларнинг нияти — йиллик планни муддатидан анча илгари уддалаш.

Суратда: Корхона партия ташкилотининг секретари Чучук Сандова (чапда) ёш ишчи Ойсифат Жабборова билан.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзТАГ).

БОЗОРНИ МОЛГА ТЎЛДИРАЙЛИК, АҲОЛИНИ ХИЗМАТЛАРДАН КЎПРОҚ БАҲРАМАНД ЭТАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДАН

Илгари хабар берилганидек, 17 январь куни Тошкентда республика партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Бу йиғинда 1989 йилги иш якунлари ва савдони ҳамда аҳолига пулли хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш юзасидан партия, совет ҳамда хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов асосий доклад қилди.

Докладчи, қайта қуришнинг ҳозирги босқичида партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари белгилаб берилаётганини таъкидлади. Партия раҳбарликнинг буйруқбозлик услубидан воз кечди, министрликлар, идоралар, корхоналарнинг ишига бевосита аралашмай қўйди. Аммо келажакда ҳам, айниқса ҳозир ҳам партия ижтимоий-иқтисодий соҳага сиёсий таъсир ўтказишдан ўзини четга ололмайди. Чунки у иқтисодиётнинг аҳволи учун, совет кишиларининг фаровонлиги учун бевосита жавобгардир.

Ўтган йилдаги иш якунларига тўхталиб, 1989 йил айрим кўрсаткичларга кўра умидбахш йил бўлди, деб таъкидлади докладчи. Товар оборот плани 251 миллион сўм ортиғи билан бажарилди. 1988 йилга нисбатан анча кўп пулли хизматлар кўрсатилди. Инвестиция сиёсатида ҳам силжишлар бор. Аммо аҳвол батафсил таҳлил этилганида шу нарса аён бўлдики, товар оборот плани харидор эҳтиёжини қондириш эвазига эмас, балки кўп жиҳатдан моллар нархини кўтариш ҳисобига ошириб бажарилган.

Ун, ёрма, кондитер маҳсулотлари, ўқувчиларнинг дафтарлари, идиш-товоқлар тақчил бўлиб қолгани билан муроса қилиб бўладими, ахир. Нега энди бозордаги мувозанат бузилди, нега энди дўконларнинг пештахталари ҳувиллаб турибди, нега энди пул қадрсизланмоқда?

Бу ўринда бир қанча жиддий сабабларни ажратиб кўрсатиш зарур бўлади. Халқ хўжалиги истеъмолчи эҳтиёжларини ўйлаб ўз ишини дарҳол қайтадан йўналтиришга қодир бўлмай қолгани, агросаноат комплексининг самарасиз ишлашини бартараф этиш чўзилиб кетгани, капитал маблағларнинг сочиб юборилишига олиб келадиган инвестиция сиёсатидаги жиддий камчиликлар шулар жумласидандир. Бошқарувнинг маъмурий усуллари ўрнига халқ хўжалигини бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий усулларини жорий этиш кечикаётгани ҳамда план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг пасайиб кетаётганлиги, хўжасизлик айниқса жиддий зарар келтирмоқда.

Оқибат шу бўлдики, Ўзбекистондаги пул эмиссияси ўтган йили режалаштириб қўйилган даражадан анча ошиб кетди. Бу Умумиттифоқ муаммолари жумласидандир. Аммо жойларда ҳал этилиши лозим бўлганлари ҳам бор.

Озиқ-овқат ва енгил саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши республикадаги ўртача даражадан анча пастдир. Ўзбекистонга шунча кўп оддий буюмлар ташиб келтириляптики, буларни республикамизнинг ўзида бемалол ишлаб чиқариш мумкин. Бир неча мисол айтиб ўтмоқчиман: Удмуртия ва Татаристон АССРдан 300 мингта болта, Горькийдан 10 мингта паншаха олинмоқда. Свердловск ўроқ, чалғи, қўйлар юнгини қирқиш учун қайчилар етказиб бермоқда, почта қутиларини Бошқирдистондан олмоқдамиз. Хабаровск шаҳридан бутун мамлакатни айланиб ўтиб Ўзбекистонга сабзавот солинадиган саватлар, Архангельск шаҳридан эса пластмасса воронкалар етказиб берилмоқда...

Айни вақтда Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва бирлашмалар халқ истеъмоли молларини планда назарда тутилганига нисбатан 160 миллион сўмлик кам тайёрладилар. Ёки агросаноат комплексини олиб кўрайлик. Юзга яқин корхона, жумладан мансулар оралиғида ишчиларни қандай юмуш билан банд қилишни билмаётган 50 та пахта заводи эса халқ учун моллар ишлаб чиқаришни умуман йўлга қўйишмаган. Ваҳолонки, бу корхоналарда ишлаб чиқариш бинолари, зарур қувватлар бор.

Аҳолини турли моллар билан таъминлашдек эски муаммони бир муҳим шартни бажариб ҳал қилса бўлади: иш ҳақи фондининг ҳар бир сўмига бир сўмлик халқ истеъмоли моллари чиқариш керак.

Докладчи корхоналар хўжалик ҳисобига ўтганидан кейин таҳликали тенденция юзага келиб, меҳнат коллективларининг кенгашлари сукут сақлаб рози бўлганликлари сабабли корхоналарнинг раҳбарлари арзон мол ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиб ва буюмларнинг нархини кўтариш ҳисобига фойдани оширишга интилмоқдалар. Яъни монополист ҳуқуқидан фойдаланиб ўз муаммоларини даромали кам бўлган социал туруҳлар — ёшлар, қариялар, кўп болали оилалар ҳисобига ҳал этмоқдалар. Шу боисдан ҳам ана шундай вазиятда республика Енгил саноат министрлиги раҳбариятининг тутаётган йўлига тушуниб бўлмайди. Ҳанузгача ҳам бу министрликда арзон нархдаги сифатли моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаяптилар.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдек ўткир муаммо айниқса ташвиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Давлат-кооператив қишлоқ хўжалиги комитети кўп йиллардан буён гўшт етиштириш ва савдога етказиб бериш планини бажармаяпти. Сўнгги уч йил мобайнидагина бу ташкилот 70 минг тонна гўшт қарздор бўлиб қолди. Бунинг устига 24 минг тоннадан кўпроқ балиқ етказиб берилмади.

Дон маҳсулотлари министрлигининг раҳбарлари ишни ғалати юритмоқдалар. Сўнгги йилларда нон ва нонбулка маҳсулотлари ёпишни камайтириш йўли тутилмоқда. Республика аҳолиси ўсиб бораётган бир вақтда 1989 йилда 353 минг тонна нон ёпилди, ҳолбуки 1985 йилда 416 минг тонна нон чиқарилган эди. Ўзбекбирлашув системасида ҳам аҳвол ана шундай.

Халқ учун товарлар ишлаб чиқариш, савдони ривожлантиришга, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаб, турини кўпайтиришга халал бераётган асосий сабаблар орасида докладчи ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг қониқарсиз аҳволда эканлигини тилга олди. 1400 дан кўпроқ қишлоқ аҳоли пунктларида кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қиладиган дўконлар йўқ. Кооператорлар ҳануз дабдабали бинолар қуришдан воз кечишгани йўқ, катта-катта универмаглар, савдо марказлари ва ресторанлар қуриляпти. Айни вақтда 43 фоиз қишлоқ мактабларидагина ошхоналар бор. Омборлар, совутиш қурилмалари етишмай турибди. Ҳамонки, Савдо министрлиги капитал қурилиш, асосий фондларни ишга солиш планларини узлуксиз барбод этиб келаётган экан, бошқача бўлиши мумкинми? Ўтган йил якунлари дуруст эмас. Капитал маблағ ҳажминнинг бор-йўғи 72 фоизи ўзлаштирилган, пландаги қувватларнинг фақат ярми фойдаланишга топширилган. Бунинг оқибатида 120 миллион сўм бой берилди.

Докладчи савдодаги, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш ишидаги аҳволни таҳлил этар экан, мажлис аҳли диққат-эътиборини фан-техника тараққиёти аҳволига, ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шаклларини жорий этишга қаратди.

Ана шу энг муҳим халқ хўжалиги тармоқлари ҳамон жуда кам механизациялашган. Бу тармоқларда асосан қўл меҳнатидан, толиқтирадиган меҳнатдан фойдаланилмоқда. Масалани ойдинлаштириш учун бир неча рақамларни айтиб ўтса бўлади. Чакана тармоқда ортиш-туширишни юмушларини механизациялаш матлубот кооперацияси системасида нари борса 12 фоизни, омбор хўжалигида 29 фоизни ташкил этади. Савдо министрлиги бўлинмаларида ҳам аҳвол худди ана шундай. Ҳозир республикада мавжуд савдодаги технология ускунаси тенг ярмининг амортизация муддати аллақачан ўтиб кетган, пештахтали 6400 дан кўпроқ совутиш қурилмалари чорак асрдан буён ишлатилмоқда. Бунинг оқибати нима бўлиши аниқ: маҳсулотлар айнийди, одамлар ялписига касалга чалинади. Хўш аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ва Моддий-техника таъминоти давлат комитети республикада савдо ускуналари ишлаб чиқарадиган йирик корхонани, эҳтимол, чет эл фирмаларининг маблағларини жалб этиб қуриш масаласини кўриб чиқишлари учун фурсат келди.

Биз юқорида дабдабабозлик ҳақида, савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашув раҳбарлари улуғвор савдо кошоналари қуриб, кўз-кўз қилишаётгани тўғрисида айтиб ўтган эдик. Айни вақтда халқаро тажриба ва амалиёт «духанлар», «бистролар», чоғроқ устахоналар айни муддао эканлигини кўрсатди, ўша устахоналарни шарқда эҳтиром билан «устахона» деб атайдилар. Тармоқда ижара муносабатларини жорий этишга дастлабки уринишлар бу муносабатларнинг самарали эканлигини тасдиқлади. Бир мисол. Тошкентдаги «Болалар дунёси» дўкони коллективини ижарага ўтказиш туфайли меҳнат унумдорлиги 8 фоиз, ойлик маоши эса учдан бир ҳисса кўпайди. Меҳнат коллективида ўзаро ишонч муҳити, меҳнатнинг пировард натижасидан манфаатдорлик, яъни товар оборотининг ўсишидан манфаатдорлик вужудга келди. Лекин бундай мисоллар кўп эмас. Ижара коллективларининг салмоғи матлубот кооперацияси шохобчасида нари борса 18 фоизни, савдо министрлиги системасида 15 фоизни ташкил этади. Биз бугун шуни эътироф этишимиз керакки, ишчи таъминоти бошқармалари ва ишчи таъминоти бўлимларининг ўйламай-нетмай тарқатиб юборилиши ўзини оқламади. Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ҳозирча уларнинг ўрнини босишга қодир эмас

Докладчи хизмат кўрсатиш соҳасидек ўз ҳолига ташлаб қўйилган тармоқ ҳақида гапирар экан, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларнинг раҳбарлари бу соҳага ҳамон бефарқ қараб туришганини таъкидлади. Кўпинча ана шу раҳбарларнинг бепарволиги, тижорат бобидаги ташаббуснинг йўқлиги туфайли одамлар энг оддий молларни сотиб ололмаяптилар, хизмат соҳасидан бебаҳра қолмоқдалар, хонадонларга телефон тушириш учун неча йиллаб навбат кутмоқдалар, меҳмонхонага жойлаша олмай, поезд ёки самолётга билет топаолмай сарсондирлар. Уй-жойдан фойдаланиш идоралари, нотариал идоралар, паспорт столларида сансалорлик авжига чиққан. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республика аҳолиси навбат кутиши туфайли увол кетган иш вақти, саноатда банд бўлган барча ишчи хизматчиларнинг иш вақтига тенгдир! Демак дастгоҳ олдида турган ҳар бир ишчига навбат кутиб турган бир одам тўғри келар экан.

Тошбағирлик, ишдаги нўноқлик кўпинча ҳаромхўрлик, ғаразгўйлик, ижтимоий адолат принципларининг бузилишига олиб келади. Халқ контроли комитети ва ички ишлар ходимлари, ишчи назоратчилар ўтказган текширувлар шундан далолат бериб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси ва савдода тартибсизликлар тўлиб-тошиб ётибди, моллар яшириб қўйилмоқда, чайқовчилик авжига чиққан. Тошкент шаҳар ижроия қўмитети савдо бош бошқармасига қарашли «Ганга» ва «Скопле» магазинларида 4 миллион сўмликдан кўпроқ моллар очиқ савдога чиқарилмай, яшириб қўйилган.

«Узоптбакалея» республика идорасининг Намангандаги улгуржи базасида 300 минг сўмлик кондитер ва баққолчилик моллари узоқ вақт мобайнида чакана савдога чиқарилмай қўйилган. Матлубот кооперацияси ходимлари ўз хизмат мавқеларини жуда суиистеъмол қилмоқдалар. Андижон область матлубот жамиятининг районлараро базасида турли баҳоналар билан 32 та япон магнитофони, Франсияда тикилган эркаклар пальтолари, Хитой сочиқлари анча вақт савдо шохобчасига чиқарилмаган.

Ўн иккинчи беш йиллик мобайнида матлубот кооперацияси системасида 29 миллион сўмлик мол ўғирланган ва талон-торож қилинган, 2070 марта шундай ҳоллар содир бўлгани аниқланди. Шу вақт орасида бор-йўғи 13,6 миллион сўм қайтариб олинди. Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги ва савдо министрлигида социалистик мулкни асраш борасида ҳам ана шундай аҳвол вужудга келди. Бу

(Давоми иккинчи бетда).

Тошкент: XXI асрга ташланган қадам

Тошкентда ССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги Архитектура ва шаҳарсозлик давлат комитети коллегиясининг, мамлакат архитекторлар уюшмаси ҳайъати секретариатининг ва Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги архитектура давлат комитети коллегиясининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрини ва Тошкент областини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош плани техникавий-иқтисодий асослари кўриб чиқилди.

Мажлисни СССР Архитектура ва шаҳарсозлик давлат комитетининг раиси Е. Г. Розанов очди.

Тошкент бош плани илмий тадқиқот ва лойиҳа институтининг директори Л. Т. Адамовнинг докладида ва нотиқларнинг нутқларида регионни хўжалик ва маданий жиҳатидан юксалтириш, республика пойтахтини ва пойтахт областини иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш истиқбол планининг бош вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Ўрта Осиё шароитида бу вазифанинг ҳал этилишини Иттифоқдаги бошқа энг катта шаҳарларга нисбатан Тошкент тараққиётининг муайян хусусиятлари белгилаб беради. Бош планнинг мажлис қатнашчиларига тақдим этилган техникавий-иқтисодий негизлари ҳам шундан далолат беради.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Н. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

(Мажлис тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ИНДОНЕЗИЯГА КЕЛДИЛАР

Жакарта, 17 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов бугун президент Сухартонинг таклифига биноан Индонезияга ташриф буюрди. Жакартадаги Ҳалим Перданакусум аэропортида уни Индонезия ташқи ишлар министри Али Алатас, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Индонезиядаги элчиси В. М. Семенов бор эди.

Президентнинг Мердека- (Мустақиллик) саройида кутиб олиш маросими ва президент Сухарто билан биринчи суҳбат бўлиб ўтди. Ташриф программасига мувофиқ Индонезия Республикаси давлатининг бошлиғи билан вице президент Судармоно, иқтисодиёт, молия, саноат ва миллий тараққиёт устидан назорат масалалари мувофиқлаштирувчи министри Р. Правиро, министрлар кабинетининг бошқа аъзолари билан, шунингдек Индонезия савдо-саноат ва доираларининг намояндалари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилади.

Шу учрашувлар давомида, хусусан, президент Сухартонинг Совет Иттифоқига бултур кузда қилган ташрифи ва Москвада олий даражада ўтказилган Совет—Индонезия музокаралари вақтида эришилган аҳдлашувлар асосида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу жумладан Индонезия билан Ўзбекистон ўртасида бевосита амалий алоқаларни ўрнатиш масалари муҳокама қилинади.

Дунё овози

ЯХШИ НИЯТ

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлардаги сиёсий, савдо-саноат ва академик доираларнинг таниқли вакилларини бирлаштирган америка-совет муносабатлари комитети СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга даъват қилди. Бу нуфузли жамоат ташкилоти тарқатган баёнотда АҚШ конгрессидан икки томонлама савдо-сотиқнинг ривожланиш йўлини тўсаётган камситувчи Жексон—Вэник тузатишини дарҳол бекор қилиш талаб этилган. «Ҳозир Совет Иттифоқида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олганда, — дейилади ҳужжатда, — Жексон — Вэник тузатишини қабул қилиб, кўпгина бошқа мамлакатлар эга бўлган савдо-сотиқ мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиб бериш мақомидан СССРни маҳрум этиш натижасида вужудга келтирилган чеклашларни сақлаб қолиш учун ҳеч қандай асос йўқ».

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

ПРАГА. ЧССР ташқи ишлар министри Иржи Динстбирнинг таклифига биноан ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари Будимир Лончар Прагага келди. Улар ўртасида шу куниёқ музокаралар бошланиб, бунда Чехословакия билан Югославиянинг ўзаро ҳамкорлиги, хусусан иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилмоқда. Шарқий Европадаги демократиялаш жараёнларининг ривожи тўғрисида, ЧССР билан ЮСФРнинг Европадаги интеграция жараёнларида иштирок этиши истиқболлари ҳақида фикрлашиб олинди.

ПАРТИЯ ОБРУСИНИ ЎЙЛАБ

ПЕКИН. Партиядаги ва умуман жамиятдаги порахўрлик Хитой Коммунистик партиясининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, хатто унга инқирозга юз тутиш хавфини соляпти. Агар партия бу муаммони ҳал этмаса, у халқ ишончидан маҳрум бўлади. Хитой Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг секретари Ли Симин пойтахт шаҳар партия комитети интизомини текшириш комиссиясининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида ана шуларни таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, айрим кадр ходимлар ўз атрофларида иззатталаблик ва лаганбардорлик вазиятини вужудга келтиришга катта эътибор беришмоқда, бу эса партиявий принципларга зид. «Сиёсий порахўрликнинг бундай кўринишлари иқтисодий порахўрликдан ҳам ёмонроқдир», — деди пойтахт партия ташкилотининг раҳбари.

УМРБОД ҚАМОҚ

САН-ФРАНЦИСКО «Хуан Матта Баллестерос муддатидан илгари озод қилиниш ҳуқуқисиз умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди». Федерал судья болғачасининг шу сўзлардан кейин янграган зарби гондураслик миллиардер иши юзасидан Лос Анжелесда ўтказилган суд жараёнига нуқта қўйди. Бу миллиардерни эксперт-криминалистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, халқаро қорадори жиноятчилигининг энг кучли 10 та раҳнамоси сафига киритиш мумкин. Тергов материалларига қараганда, Матта Колумбиядаги қорадорифурушлар бирлашмалари билан яқин алоқада бўлган ва наркотик моддалар контрабандаси учун Гондурас ва Мексика орқали АҚШга янги маршрутлар очган. Айни шу одам 80-йилларнинг бошларида Колумбия қорадори жиноятчилиги операцияларининг анчагина қисмини Лос Анжелесга ўтказишда ташаббус кўрсатган эди. Қамоққа олиниш арафасида Баллестерос Америка маъмуларининг маълумотларига қараганда, қудратли қорадорифурушлар салтанати «тахтида ўтирган». Унинг икки миллиард доллардан зиёд шахсий бойлиги бор эди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан

Кейинги кунларда Бокуда, Озарбайжоннинг бошқа бир қанча аҳоли пунктларида, шунингдек Арманистоннинг баъзи районларида фожиали воқеалар содир бўлди, бу воқеалар совет кишиларининг қалбларига алам солди. Қон тўкилди, арман, озарбайжон ва бошқа миллатларга мансуб кишилар орасида қурбонлар бўлди.

Ҳалок бўлганларнинг оиларига чуқур таъзия изҳор этамиз, азиз чеккан барча кишиларга астойдил ҳамдардлик билдирамиз.

Мамлакат раҳбарияти бебошлик ва жиноят фактларидан совет кишиларининг қаҳр-ғазабига қўшилиб, зўравонликнинг қатъиян пайини қирқиш, ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш, фалокатзадаларга моддий ёрдам бериш ва айбдорларни қаттиқ жазолаш учун зарур чораларни кўрмоқда.

БОЗОРНИ МОЛГА ТЎЛДИРАЙЛИК, АҲОЛИНИ ХИЗМАТЛАРДАН КЎПРОҚ БАҲРАМАНД ЭТАЙЛИК

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

тармоқларда ўтган тўрт йил мобайнида камомад ва ўғирликлар икки баравардан зиёд ортди. Бор-йўғи 35 қондабузаргина жавобгарликка тортилган. Неча юзлаб ишларни тушунтириб бўлмайдиган сабабларга кўра, прокуратура ва суд органлари кўриб чиқишмаяпти. Эндиликда бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар бир жиноят, ҳар бир қонунбузарлик албатта жазоланиши керак, акс ҳолда ҳуқуқий давлат тўғрисидаги гап-сўзлар фақат яхши ниятгина бўлиб қолаверади.

Кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишда кооперативлар кўп иш қилишга қодирдирлар. Кооперативлар Ўзбекистон аҳолисига кўрсатаётган хизматнинг йиллик ҳажми 1989 йилда 100 миллион сўмга, пассажир транспортида 20 миллион сўмга, дам олишни ташкил этишда 12 миллион сўмга етди. Лекин ана шу катта рақамлар ортида бошқа нарса ҳам кўриниб турибди: бир қанча кооперативлар ўз куч-ғайратларини воситачилик фаолиятига, савдо-харид фаолиятига қаратиб, нақд пулсиз муомаладаги маблағнинг маошга айланиши ҳисобига бойимоқдалар. Кооперативларда жиноий вазият ниҳоятда ўткирлашди, жиноятлар, асосан ғаразгўйлик билан қилинган жиноятлар қарийб икки баравар кўпайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати кўпгина кооперативлар, айниқса воситачи кооперативларнинг фаолиятини тақиқлаб қўйишга мажбур бўлди.

Докладнинг пировардида А. С. Ефимов қуйидагиларни таъкидлади: республика халқ депутатлари сайлови яқинлашиб қолди. Яна бир ойдан кейин одамлар сайлов участкаларига келиб, республика идораларининг фаолиятига ўз муносабатларини билдирадилар. Шунинг учун ҳозирги кундаги энг муҳим вазифа — бозордаги мувозанатсизликка барҳам беришдан, нарх-навонинг кўтарилиши ва пулнинг қадрсизланишини тўхтатишдан, молия системасини, умуман экономикани соғломлаштиришдан иборат. Бизни оғир ва тиғиз меҳнат кутиб турибди.

Республика партия-хўжалик фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, республика Халқ контроли комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. К. Исмоилов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЛИФТСОЗЛАРНИНГ МУАММОСИ



Самарқанддаги лифтсозлик заводи мана икки йилдирки ўз вақтида хом ашё етказиб берилмаётгани учун ишда узилишларга йўл қўймоқда. Айниқса Ереванда ги «Арманэлектроаппарат» бирлашмаси коллективи корхонага электротехника асбоб-ускуналарини етказиб беролмаяпти.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун корхонада ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ишлари бошлаб юборилди. Янги дастгоҳлар ўрнатилди. Катта қувватли янги лифтларнинг модели ишлаб чиқилди.

Суратда: Токарь Ҳусан Иброҳимов лифт учун амортизацилашган пружиналар тайёрлаш участкасида.

Р. ҒАФУРОВ сурати (ЎзТАГ).

ЎНГ СОҲИЛ КАНАЛИ

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИНИ ЭКОЛОГИК ТАНГЛИКДАН ҚУТҚАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН БУ ИНШООТ ҚУРИЛИШИГА ҚАЧОН КИРИШИЛАДИ?

Беноён Қизилқум узра самолётда парвоз қилинган тақдирда саҳронинг у ёки бу бурчагида қуёш нурида ойнадек ялтираб кўзни қамаштирадиган кўлларни учратасиз. Бу кўллар табиий деб аталса ҳам, аслида инсон қилмиш-қидирмишининг оқибатидир.

Орол денгизининг ризқ-рўзи бўлган обиҳаёт кўп йиллар мобайнида экинзорларда исрофгарчилик билан фойдаланилгандан кейин Шўркўл, Мохонкўл, Денгизкўл, Тўдакўл каби саҳронинг нишаб жойларидаги табиий кўлларга оқизилган. Эндиликда лиммо-лим тўлиб турган бу кўллар саҳронинг ҳам мелиоратив ҳолатини бузмоқда.

Бир неча йил муқаддам Зарафшон воҳасининг атрофида тўпланган мана шу зах сувларни бир ўзанга солиб, Орол сари оқизиш режаси лойиҳаловчилар томонидан пишитилиб, амалга оширишга киришилди. Лойиҳада Бош сув ташламаси деб аталган бу иншоотга халқ «Шўрдарё» дея топиб ном қўйди.

Дунё мелиорация қурилиши тарихида мисли кўрилмаган бу коллектор Амунинг ўнг соҳили бўйлаб деярли минг чақиримга чўзилиб, воҳа оқава сувларини Орол денгизига етаклаб бориши лозим. Ҳозиргача бу сувларнинг бир қисми юқорида номи зикр этилган кўлларга оқизилаётган бўлса, иккинчи қисми Амударёга ташланмоқда.

Мутахассислар иншоот кўламини шартли равишда икки қисмга бўлдилар. Термиз яқинидан бошланадиган — республикамизнинг жанубий чегарасидаги Мохондарё кўлигача бўлган қисми биринчи навбат сифатида қуришга киришилганига бир неча йил бўлди. Биринчи навбатнинг асосий қисми Бухоро области территориясидан ўтади.

Қурилишнинг бош пудратчиси этиб «Главсредазирсовхозстрой»нинг Бухородаги 39-механизациялашган кўчма колоннаси, буюртмачиси этиб эса қурилаётган 6-корхоналар дирекцияси белгиланган. Одатда канал қурилиши бошидан, коллектор эса охиридан бошланади. Чунки зах сувлар коллектор бўйлаб ўз оқими билан югуриши учун зарур нишабликка эришиш зарур.

Шу сабабга кўра, мелиораторлар ишни Мохондарё кўлининг бўйидан бошлашди. Ҳозиргача Шўрдарёнинг 45 километрдан зиёдроқ ўзани оқава сувларни қабул қилишга тайёр. Ундан ҳар секундда 75 кубометр зах сув ўтказилиши мумкин. Ишнинг бу ёғи нима бўлади? Шу саволга жавоб излаб ярим йиллик танаффусдан кейин яна қурилишга бордик.

Илгариги сафаримизда кўнгилсиз вазиятнинг гувоҳи бўлган эдик. Ўша кунларда қурилишда гуруҳбозлик авжига чиққанди. 700 кишилик коллектив иккига бўлиниб, тарафкашлик бошланиб кетди. Қурувчиларнинг бир қисми маъмуриятга ён босишса, иккинчиси раҳбариятда меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик йўқлиги, уларни турли суиистеъмолликлар юз берётганида айблашди. Ўзаро низо иш ташлашгача бориб етди. Кейинги сафар келганимизда коллективда маънавий иқлим анча соғломлашганига ишонч ҳосил қилдик. Бу ўртада мамъурият деярли тўла ўзгартирилиб, раҳбарлик лавозимларига янги ходимлар келишибди.

Меҳнат кишиси тўғрисида ғамхўрлик ошганига мелиораторлар энди юқори унумдорлик билан жавоб беришмоқда. Кўплаб тортишувларга сабабчи бўлган «вахта» усули энди ҳамма томонидан маъқул топилган. Бу эса қурилишда шанба ва якшанба кунлари ҳам техника тўхтаб қолмаслигига кафолат беряпти. Натижада йил яхши якунланди. Деярли 7 миллион сўмлик иш бажарилди.

1990 йилдаги вазифалар эса янада тиғиз. Чунки иш олдинги суръат билан давом этса, Шўрдарё қурилиши яна узоқ йиллар давом этиши мумкин. Ваҳолонки, тезроқ биринчи навбатни тугатиб, иккинчи навбатга киришиш лозим. Туркманистонлик қардошлар ўз ташаббуси билан Сўл соҳил канали қурилишига киришиш ниятида.

Ҳар икки канал Амударё сувини булғашга чек қўйиш имконини беради. Шўрдарёнинг ўзи Аму-Бухоро машина канали ва Қарши канали оқава сувларини Амударёга оқизишга чек қўяди. Ўнг соҳил канали тўла қуриб битказилгандан кейин эса у Бухоро областининг қуйи қисмидагина эмас, балки Хоразм области ва Қорақалпоғистон автоном республикаси аҳолиси ҳам дарёнинг тоза сувидан баҳраманд бўлишига шароит яратади. Бундан ташқари, Шўрдарё орқали Оролга оқизиладиган сув денгизнинг ҳозирги сатҳини сақлаб қолишга ижобий таъсир кўрсатади.

Ана шуларни назарда тутиб мазкур иншоот қурилишини тезлаштириш тадбирлари кўрилди. «Аралводстрой» бирлашмаси Шўрдарё қурилишини ўз ҳисобидан таъминлашни таклиф қилди. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бу таклифни маъқуллаб, «Главсредазирсовхозстрой»нинг 39-механизациялашган кўчма колоннасини бирлашма ихтиёрига ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Янги йил арафасида мазкур механизациялашган кўчма колонна асосида «Бухараараловдстрой» трести ташкил қилинди. Айни маҳалда трест ташкилий даврни бошидан кечирмоқда. Трест бошқарувчиси А. К. Чўлиев билан суҳбатимиз келгусі вазифалар тўғрисида бўлди:

— Бу йил трестимиз 12 миллион 430 минг сўмлик иш бажариши кўзда тутилган, — деб таъкидлади бошқарувчи. — Келгуси беш йилликнинг иккинчи йилида бу кўрсаткич 50 миллион сўмликка етади. Шўрдарё Оролга етгунга қадар иш ҳажми тобора ошиб бораверади. Бу ишларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Бухорода ихтисослаштирилган кўчма колонна, Қоракўл ва Олот районларида яна иккита колонна, автотранспорт хўжалиги, ишлаб чиқариш-техника таъминоти бошқармаси ва бошқа зарур бўлинмалар ташкил қилинди. Янги яхши механизаторлар, инженер-техник ходимлар сафимизга келиб қўшилмоқдалар...

Афсуски, янги бошқарувчи ҳам биринчи навбат қачон тугатилиб, қачон бевосита Ўнг соҳил канали қурилишига киришилишини аниқ айта олмади. Аслида бу лойиҳаловчиларга боғлиқ бўлиб қолган. «Союзгидроводхлопок» лойиҳа институти тадқиқотчилари ҳали бу ишга чинакамига киришганлари йўқ. Амударё соҳили билан Оролгача Қизилқум бўйлаб чўзилиб кетадиган канал учун тадқиқот ишлари дастлабки тарзда ўтказилган, холос. Улар аниқ лойиҳа шаклини олиши учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади.

Қурувчиларнинг лойиҳаловчиларга эътирозлари шу билан чекланмайди. Жумладан, 1990 йилнинг ўзидаёқ Шўрдарё қурилишида бажарилиши лозим бўлган 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳаси ҳали ҳам йўқ. Мавжуд лойиҳалардаги ечимлар пухта эмас. Масалан, кўприклар қурилишида улар узунлиги 18 метр, вазни 17 тоннагача бўлган темирбетон блокларни кўзда тутганлар. Саҳрога эса бундай буюмларни кўтариш қувватига эга техникани олиб келиб бўлмайди.

Мелиораторлар даврасида бўлганимизда механизаторлардан кўп шикоятлар эшитдик. Қарши шаҳридаги ремонт-механика заводида капитал ремонт қилинган техника бир ой ҳам ишлатилмай туриб, қолаётганини айтишди. Ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотидаги тўхталишлар ҳам иш суръатига путур етказмоқда.

Умуман, қурилишни орқага тортаётган сабаблар кўп. Бу эса коллективдаги маънавий иқлимга яна салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Энг муҳими, ҳал қилинмаётган муаммолар Ўнг соҳил канали қурилиши бошланиш муддатини орқага чўзмоқда. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АҚЛ-ИДРОК ВА ИНСОНИЙЛИК ТАНТАНАСИ УЧУН

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари иттифоқининг ижроия комитети Озарбайжон ва Арманистон гражданларига мурожаат қилди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

Арманлар ва озарбайжонлар учун мушкул бўлган шу кунларда Ватанимизнинг Қизил крест ва Қизил ярим ой жамияти жафо чекаётганлар, ҳимоя ва ёрдамга муҳтожлар билан биргадир. Бизнинг ҳаракатимиз инсонпарварлик идеалларига садоқатини исбот қилган. Қизил крест ва Қизил ярим ойнинг рамзлари ҳурматиззатга сазовор ва дахлсиздир. Уларнинг муҳофазасида тинч аҳолига хавфли районлардан бемалол чиқиб кетиш имконияти берилиши керак. Инсонийлик манфаатларини ўйлаб, барча муҳтожларга озиқ-овқат, болалар таоми, дори-дармон, иссиқ кийим етказиб берилишига ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги лозим.

Шафқатсизлик, душманлик, ўзаро англашилмовчиликка қарши курашиш учун мардлик кўрсатиш керак. Миллий зиёлилар, дин арбоблари, аёллар соғлом кучларни жипслаштира оладилар ва жипслаштиришлари керак. Дағдаға билан зўравонлик қилишни бартараф этиш учун «ялпи инсонпарвар сафарбарликни» эълон қилиш вақти келди.

Одамар ҳаёти ва қисмати учун жавобгарликни унутиб қўйган, Озарбайжон ва Арманистон халқларини миллатчилик жарига, бирodarкушлик урушига итараётган тентакларнинг жиноятқорона хатти-ҳаракатларини тўхтатинг!

(ТАСС).

ВАЗИЯТ КЕСКИН БЎЛИБ ТУРИБДИ

Степанакерт, 17 январь. (ТАСС). Ҳарбий ҳолат жорий этилганидан кейин Тоғли Қорабоғ автоном области теварагидаги миллатлараро тўқнашувлар бир мунча пасайди. Аммо Озарбайжоннинг Шаумян ва Хонлар районларида ҳозир СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг катта кучлари турганлигига қарамай, бу ердаги жангарилар намайгани йўқ. Вазият ҳамон кескин бўлиб турибди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1990 йил 15 январдаги Фармонига кўра фавқулодда ҳолат жорий этилган районларга ички қўшинлар ва Совет Армиясининг янги бўлинмалари келмоқда, лекин Озарбайжоннинг бир қанча аҳоли пунктларидаги маҳаллий аҳоли бу қисмларнинг юришига ҳалал беряпти. Ганжа яқинидаги темир йўл станцияларидан бирида экстремистлар тўртта танкни қўлга киритдилар. Кейинчалик бу жанговар машиналар қайтариб олинди.

Тоғли Қорабоғ автоном областининг ўзидаги вазият ҳам мураккаб бўлиб турибди. Чунончи, 17 январга ўтар кечаси Степанакерт яқинидаги икки жойда сув чиқариш иншооти ва водопровод портлатилди. Шаҳардаги ҳар уч оиланинг бири сувсиз қолди. 16 январь куни кечқурун соат 21 дан 30 минут ўтганда Шуша районидаги арман қишлоқларидан бирининг аҳолиси беш озарбайжон тушган автомашинани тўхтатди. Уларнинг қўлида иккита Калашников автомати, икки ов милтиғи ва кичик калибрли милтиқ бор эди, бундан ташқари улардан икки килограмм наша ва деярли 350 минг сўм пул тортиб олинди. Маҳаллий аҳоли ана шу йўловчилар ва юкни шу районда хизмат қилаётган ички қўшинлар ҳарбий хизматчиларига топширди. Жиноий иш қўзғатилди.

Ҳозир фавқулодда ҳолат жорий этилган район территориясидаги вазиятни ички қўшинлар ва Совет Армияси бўлинмалари назорат қилиб турибдилар. Бир йилдан кўпроқ вақтдан буён алоҳида ҳолат режимида яшаётган автоном область аҳолиси фавқулодда ҳолат жорий этилганлигини тушуниб кутиб олди. Илгари Боку шаҳрида яшаган, қочоқлар область комитети раиси Ю. А. Даниелян бундай деди:

— Фавқулодда ҳолат жорий этилишини қутлаш мумкин — бу чора кескинлик янада авж олишини бартараф этиши, тинч аҳоли ўртасида ҳам, ҳарбий хизматчилар орасида ҳам қурбонлар бўлишини истисно қилиши, қамалнинг олиб ташланишига ёрдам бериши лозим. Лекин бундай ҳолат ҳамма учун мажбурий бўлиши лозим.

Ҳарбий комендатура сиёсий бўлимининг бошлиғи, полковник В. М. Сеченихнинг фикрича, СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари ва уларга келиб қўшилган Совет Армияси бўлинмаларининг мазкур регионда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга ҳамда Совет ҳукумати улар олдига қўйган вазифани адо этишга қучи етади.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОН ССРДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 15 январдаги Фармонига кўра, Озарбайжон ССРнинг бир қанча районларида ва Арманистон ССРнинг шу жойларга туташ айрим районларида 17 январь куни вазиятни назорат қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни йўлга қўйиш юзасидан бир қанча фавқулодда чораларни амалга ошириш давом эттирилди. Региондаги аҳвол ана шу чоралар ўз вақтида кўрилаётганини ва ниҳоятда зарурлигини батамом тасдиқлаб турибди. Ўтган куни яна бебошликлар ва урйиқитлар бўлди, оқибатда одамлар қурбон бўлди.

Жиноятқорона хатти-ҳаракатларнинг пайи қирқилаётган вақтда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш органлари ур-йиқитларнинг фаол қатнашчиларидан 31 кишини ушладилар. Кўп миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дори тортиб олинди. Содир қилинган жиноятлар фактлари юзасидан жиноий ишлар қўзғатилди, тергов бошланди.

Кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот кучлари контингенти кўпайтирилмоқда. Закавказье ҳарбий округи қўшинлари Озарбайжон ва Закавказье темир йўлларининг энг муҳим объектларини қўриқлаб турибдилар. Гражданларни ҳимоя қилиш ва ҳаётий муҳим объектларни муҳофаза этиш учун Закавказье ҳарбий округи айрим қисмлари кучайтирилмоқда.

Давлат чегарасини қўриқлаётган чегара қўшинларининг миқдори кўпайтирилмоқда.

Шу чоралар билан бирга маҳаллий партия ва совет органлари Қуролли Кучлар, Ички ишлар министрлиги ва СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари сиёсий органлари билан ҳамжиҳатликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказмоқдалар.

Региондаги аҳвол мураккаб бўлиб турибди.

(ТАСС).

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИ, ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

Сўнгги кунларда Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг турли районларида қурол-яроғ, портловчи моддалар, жанговар техника ва асбоб-анжомларни қўлга киритиш мақсадида Совет Армиясининг, СССР ички ишлар органларининг ва давлат хавфсизлиги комитетининг қурол-яроғ ва ўқ-дори омборларига, бошқа объектларига талон-торож учун ҳужум қилиш ҳоллари бўлди. Қўлга киритилган қуроллардан босқинчилик, қароқчилик, региондаги кескинликни янада авж олдириш мақсадида фойдаланилмоқда. Жиноятчи ва экстремист унсурларнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари чоғида зўравонлик, дағдаға қилинмоқда, қурол ишлатилмоқда, бунинг оқибатида ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари орасида ҳалок бўлганлар ва ярадорлар бор.

Совет армияси ва Ички ишлар министрлиги ички қўшинларнинг ҳарбий хизматчилари, милиция ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари ана шу мураккаб вазиятда имкони борича бардошли ва оғирвазмин бўлмоқдалар. Улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса ҳам қон тўкилишига йўл қўймаслик мақсадида жиноятчиларга қуролли зарба беришдан ўзларини тийиб турдилар.

Аммо ана шундай талончилик хатти-ҳаракатларнинг миқёслари ниҳоятда кенгайиб кетганлиги натижасида сира чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келди. СССР Мудофаа министрлиги, Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети раҳбарияти устав талабларига ва амалдаги қонунларга қатъиян мувофиқ тарзда шахсий состав томонидан қурол ишлатиш тўғрисида кўрсатма берди.

Мазкур чоралар жиноятчи унсурлар бундан буён ҳам қурол-яроғни қўлга киритишларининг олдини олишга, тинч аҳоли ўртасида яна қурбонлар бўлишига йўл қўймасликка, ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимларининг ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

ЖОҲИЛЛИК ЙЎЛИ ТЎСИЛМОҚДА

Боку, 17 январь. (ТАСС мухбири). Қиш чилласида қуёш чарақлаб турган бўлса ҳам бокуликларнинг кайфияти дуруст эмас.

Эрталаб ва кун бўйи шаҳар бир қадар осойишта бўлади. Транспорт ишлаб турибди. Кўчаларда милиция, ҳарбийларнинг соқчилари, билагига боғич таққан кишилар юришибди.

Бокуликларнинг қовоғи солинган, юз-кўзларида табассумдан асар йўқ. Гарчи барча киоскалар ишлаётган бўлса ҳам газета стендлари олдида одам гавжум. СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғ автоном областида ва баъзи бошқа районларда фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги Фармони диққат-эътиборни жалб этмоқда. Кишилар жанговар ҳаракатлар бўлаётган жойлардан олинаётган маълумотларни эслатувчи газета хабарларини жимгина ўқимоқдалар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети ва республика Министрлар Совети ветининг ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарларига таъзияномаси эълон қилинди.

Бир қанча корхоналарда меҳнат коллективларининг йиғилишлари бўлиб ўтди, уларда сўнгги кунлардаги воқеалар жуда қизғин муҳокама қилинди. Масалан, республика бинокорлик материаллари саноати корхоналари меҳнат коллективларининг ташаббуси ва шу коллективлар вакилларининг иштироки билан ушбу министрлик коллегиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажлисда Бокуда содир бўлган бебошликлар қатъиян қораланди. Тоғли Қорабоғ автоном области билан чегарадош бўлган қишлоқларнинг жафокаш аҳолисига озиқ-овқат, бинокорлик материаллари билан ёрдам бериш учун тадбирлар белгиланди. Коллегия Шаумян (қишлоқ) районидаги Ажикент гипс кони меҳнатчиларига мурожаат қилиб, дарҳол иш бошлашга даъват этди, ушбу кон ишчилари мана уч ойдирки Бокудаги цемент ва гипс заводларига, шунингдек республикадан ташқаридаги ана шундай корхоналарга ўз маҳсулотларини етказиб беришаётгани йўқ.

Уруш ветеранлари совет комитети Боку секцияси президиумининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди, мазкур мажлисда жамоатчиликка қарши унсурларнинг одамларнинг нобуд бўлишига олиб келган жиноятқорона хатти-ҳаракатлари кескин қораланди. Бокуда ва республиканинг бошқа районларида миллатлараро муносабатларни нормаллаштириш жараёнига ветеранларни жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизнинг турли жойларидан бу ерга келган ички қўшинларнинг ёш жангчиларига ҳозир сира осон тутиб бўлмайди. Аслида қуролсиз ана шу йигитлар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб одамларни қутқармоқдалар. Бокуда шу жангчилар аҳоли билан бевосита тўқнашгани йўқ. Бебош ёшлар ур-йиқит қилиш учун квартираларга бостириб киришганида солдатларимиз шу хонадон эгаларини ҳимоя қилишаётганида дарҳол иғвогарларнинг сўзига учган оломон пайдо бўлмоқда.

Кеча худди шундай бўлди. капитан Е. Пилягин бошчилигидаги соқчилар группаси беш минг кишилик оломонга қарши уч соат мобайнида чинакам мудофаада турди. Солдатлар не-не қийинчиликлар билан, қ. қонларни тўсиқ қилиб одамларни хавфли жойдан олиб чиқдилар.

Ганжа (собиқ Кировобод) шаҳрида вазият мураккаб бўлиб турибди. Бу ерда ҳарбий аэродром ва шаҳардан чиқиш йўллари тўсиб қўйилган. Арманистон билан чегарадаги қишлоқлар ўққа тутилмоқда.

СССР Ички ишлар министрлигининг дарҳол тергов қилиш группаси ишга киришди. Бебошликларда иштирок этганликда гумон қилиниб, ҳаммаси бўлиб 63 киши ушланди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Гиренко ва Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Т. Расизода бугун бу ерда Арманистондан келган қочоқлар Озарбайжон жамиятининг раиси Н. М. Гожаев билан учрашдилар.

ИНСОН—ТАБИАТ ФАРЗАНДИ

Москвадаги жаҳоншумул анжуманда

Бу жуда муҳим учрашув, чунки у ўз атрофига ниҳоятда кўп маънавий-сиёсий раҳбарларни, турли йўналишдаги фан ва маданият арбобларини тўплади. Бизни муштарак бир фикр: инсониятни экологик фалокатдан қутқариб қолиш фикри бирлаштириб турибди. Мэриленд дорилфунунидан келган доктор Ирвин **Минц**нинг фикри шундай.

Бинобарин бошқа фикр лар ҳам бор. Учрашувнинг барча қатнашчилари ҳамда журналистлардан анжуманда гап кўп, лекин иш кам бўлаяпти деган фикрни ҳам эшитиш мумкин. Бизнинг назаримизда, бу 82 мамлакатдан келган дин ва сиёсат арбобларининг халқаро савдо марказида ўтаётган мунозарасига бирмунча юзаки қаралаётгандек туюляпти. Улар мулоқот ва ҳамжиҳатлик жараёнида бир-бирларигагина эмас, айни вақтда уларни вакил қилиб юборган ҳамжамиятларга ҳам таъсир ўтказмоқдалар. Улар бу ишни тўла уддалашмоқда.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва омон қолиш мақсадида ривожланиш муаммоларига бағишланган жаҳоншумул анжуман мажлисининг учинчи куни «Технология, саноат, жамият ривожида шаҳарларнинг ролини ошириш ва улардаги экология муаммолари» мавзусидаги мунозара билан бошланди. Калифорния дорилфунунининг профессори Беркли Леонард **Доул** шаҳарларда сиҳат-саломатлик муаммоларини ўртага қўйди. Жисмоний саломатлик тўғрисидагина эмас, ақлий, ижтимоий саломатлик ҳақида ҳам қайғуриш керак, деди у. Бизнинг хатоимиз шундан иборатки, биз фақат табобатга орқа қиляпмиз. Одамларнинг шаҳар ҳамжамиятларида бирлашуви бундан кам аҳамиятга эга эмаслигини унутиб қўймоқдамиз.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Хитой ҳукумати сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир, деди доктор **Дуайнинг**. У анжуманга Хитой Халқ республикаси шаҳарларидаги муаммолар ҳақида ахборот берди. Мамлакатимиз ўз шаҳарларида экологик муаммоларни қадамба-қадам ҳал этиб боряпти: ҳавони саноатнинг зарарли чиқиндиларидан ҳимоя қилиш ҳам, сувларнинг органик моддалар билан булганишига йўл қўймаслик ҳам, саноат чиқиндилари ва шаҳар ахлатларига, шовқин-суроннинг юқори даражада бўлишига қарши кураш ҳам шу жумлага киради.

Қоҳиралик профессор Баҳовуддин **Бакли** ўз навбатида бундай деди: инсоннинг атроф муҳитга таъсири ҳиш касаллиги сингари ўрмонларимиз, кўлларимиз, экинзорларимизни домига тортиб кетяпти. Инсон ўз табиатига бегона бўлган сунъий табиатни яратмоқда. Инсон ўзини табиат ҳоқони деб ҳисоблайди, у ўзи ҳам тегишли бўлган табиатнинг улуғворлигини унутиб юборди.

Америкалик сенатор Клейборн **Пелл** қуролсизланиш жараёни атроф муҳитни муҳофаза этиш учун маблағларни бўшатиб олишда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. «Совуқ уруш»га хотима берилганлиги, деб уқтирди у, ҳозирдаёқ ҳарбий харажатларни қисқартиришга олиб келмоқда. Афтидан, ана шу йўналиш биз стратегик ва оддий қуролларни чеклаш тўғрисидаги битимни имзолагач жадаллашади, натижада Шимолий Атлантика блокида ҳам, Варшава Шартномасида ҳам анчагина маблағларни тежаб қолишга имкон туғилади. У ҳукуматларни ана шу маблағларнинг бир қисмини экология эҳтиёжларига сарфлашга чақирди.

«Технология, саноат атроф муҳит» мавзусини муҳокама қилиш чоғида БМТ ҳузуридаги ривожланиш программасининг бошқарувчиси Уильям **Драйперш** ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар экологияси соҳасидаги ҳамжиҳатлик муаммоларига тўхталди. Биз атроф муҳитни ҳимоя қилиш учун кураш дунёни бўлиб юбормасдан бирлаштирган тақдирдагина, фақат ҳамкорликда барча муаммоларни ҳал этишимиз мумкин. Бунинг учун камбағаллик жаҳоншумул тараққиётга катта хавф солаётган сабаблардан бири эканлигини ҳаммага эълон қилиш зарур.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда. Нотиқлардан бири анжуман қатнашчиларини «ёрқин юлдузлар туркуми» деб атади. Бу ерда, ҳақиқатан ҳам академик ва сенаторни, митрополит, муфти, равинни, америкалик ҳиндуни, япониялик чой ичиш маросими устасини ёнма-ён кўриш мумкин.

Анжуманнинг барча қатнашчилари атроф муҳитнинг аҳволидан, инсон билан она табиат ўртасида пайдо бўлган жуда мушкул муносабатлардан баб-баравар ташвишга тушмоқдалар, мажлисдан ташқарида, танаффус вақтларида ҳам мунозаралар давом этмоқда. ТАСС мухбирлари анжуманнинг баъзи қатнашчиларидан унинг иши ҳақида ўз фикрларини билдиришларини илтимос қилишди.

— Мен анжуманда сайёрамиздаги ҳаётдан ташвишланганим учунгина эмас, ижодий режаларим борлиги учун ҳам қатнашаяпман, деди СССР халқ депутати кинорежиссёр Т. Е. Абуладзе. — Мен кўп вақтлардан бери ўйлаб юрган режам, христианларнинг «охир замон» ҳақидаги ривоятларини ўз ичига олган диний асари ҳақидаги фильм устида ишлаяпман. Жаҳоншумул анжуманда муҳокама қилинаётган муаммолар менинг изланишларим асосини ташкил этади. Мен бу ерда ўз асарим учун жуда кўп фойдали нарсаларни олдим, ҳамфикрларимни учратдим.

— Одамлар сайёрамизнинг келажаги ҳақидаги фикрларини ўртоқлашиш учун анжуманга йиғилдилар, деди Эчмиадзиндан келган арман Апостоль черковининг архиепископи. Уларнинг фикрлари хилма-хил, лекин биз бир фикрни топишимиз зарур, чунки айрим ютуқлар жаҳоншумул муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермайди.

(ТАСС).

• *Номзодлар ҳақида ҳикоялар*

СЕН ЕРНИ БОҚСАНГ, ЕР ЭЛНИ БОҚАДИ

Бободеҳқонларнинг бу сўзи Пардабойнинг қалбида муҳрланиб қолган. Салкам 20 йиллик бригадирлик фаолиятида бунга оғишмай амал қилади. Ерни эъзозлаб, меҳр қўйиб кам бўлмади. Бугунги кунда Жиззахнинг олди пахтакорлари сифатида тилга олинадиган бўлди.

Ўтган йили П. Зиётовнинг бригадаси Сирдарё областида биринчилардан бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. 215 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Улар янги йил тараддудини ҳам астойдил бошладилар. Бригада механизаторлари Икром Исроилов, Фарҳод Юсупов, Наби Йўлдошевлар ялпи майдонни бир ҳафтада сифатли шудгорлаб чиқишди. Ҳар гектар ер ҳисобига 100 килограммдан калий, 250 килограммдан аммофос ҳамда ярим тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Айни кунларда дала бошига маҳаллий ўғит чиқариш қизғин давом этмоқда. Тажрибали сувчилардан Жўрақул Дўлиев, Мелибой Шокиров, Турсунбой Одиловлар қорли, изғиринли кунларда ҳам далаларни яхоб сувига қондириш чора-тадбирларини кўришмоқда.

Колхоз раиси Асқар Эшонқулов Парда Зиётов ҳақида алоҳида ҳурмат-эътибор билан гапиради: У меҳнатсевар бўлиши билан бирга талабчан ва ҳаракатчан раҳбар ҳамдир. Колхоз ҳаётида фаол иштирок этишга интилади. Ҳозиржавоблиги, муомаласи билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқда. Бундай етакчилар борлиги туфайли хўжалик қолоқлик ботқоғидан чиқишга эришди.

Ҳақиқатдан ҳам бир пайтлари республикага донғи кетган «Москва» колхози қаторасига тўрт-беш йил планни бажаролмади. Давлатдан анча қарздор бўлиб қолди. Кўпгина экин майдонлари ҳолати аянчли бўлиб, ғўзадан олдин бегона ўт бўй чўзадиган бўлиб қолди. Хўжаликда пахтачилик зарар кўрадиган тармоққа айланиб борди. Колхоз шаҳарга туташ эмасми, кўпчилик далани ташлаб шаҳардан иш қидира бошлади. Оқибатда ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Бир сўз билан айтганда, дала ўзининг ҳақиқий эгасини йўқотди.

Ана шундай пайтда янги раҳбарларнинг бригада пудратини адил жорий этишлари колхозни мураккаб вазиятдан қутқарди. Оғир дамда Пардабой Зиётовлардек жонкуяр, ташаббускор коммунистлар чин пахтакорлик шижоатини кўрсатишди. Меҳнатнинг янги турлари афзалликларини амалда намойиш этдилар. Эътибор қилинг, ўтган йили колхозда энг катта майдонда деҳқончилик қилган П. Зиётов бригадаси давлатга 485 минг сўмлик пахта сотди. Бунинг учун 93 минг 200 сўмлик меҳнат ҳақи сарфланган бўлса, эндиликда бригада аъзоларига 116 минг сўм қўшимча ҳақ бериладиган бўлиб турибди. 2 йилда сувчи-ю, механизаторларнинг даромадлари 1,5—2 баробар кўпайди. Бугунга келиб колхоз жамғармасида 6 миллион 200 минг сўм тўпланганлигини колхозчиларнинг хўжалик юритиш, иқтисод қилишни нақадар ўрганганлиги шарофати деб баҳолаш лозим.

Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари, фидойилари бўлади. «Москва» колхозининг қайта оёққа туриб олишида Парда Зиётов каби бир қатор бригада бошлиқлари жонкуяр бўлиб чиқдилар. Зиётовнинг ҳалол, виждонан меҳнати муносиб тақдирланди. У Ҳурмат Белгиси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланди. Унинг намзоди 369-Охунбобоев сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилди.

— Пахтакорнинг, республикамиздаги ҳар бир деҳқоннинг бугунги орзу-умиди рўёбга чиқиши учун курашиб, дарду ҳасратига малҳам бўлиш халқ депутатининг асосий вазифаси бўлиши керак, деб ўйлайман. Бу борада республика Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Башарти депутат бўлиб сайлансам, ўз фаолиятимни мана шу йўналишда ташкил этаман, — дейди Пардабой Зиётов. — Бу ўз навбатида қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта ёрдам бериши шубҳасиз. Зеро, ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларда ижара пудрати пухта амалга оширилмаганлиги оқибатида оналар меҳнати-ю, болалар тарбиясини тўғри ташкил этиб бўлмаяпти. Ўз имкониятлари даражасидан кўпроқ ер олишга интилаётган оилаларда ҳалигача болалар меҳнатидан ортиқча фойдаланиш ҳоллари рўй бераяпти.

Номзоднинг қарашлари ана шундай. Пардабой Зиётовнинг пахтакор тақдири учун жон куйдириб гапириши номзоднинг келгуси фаолиятига ишонч билан қарашга кафолат беради.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

---

18 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Рўйхатга олинмоқда

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тугалланяпти. ЎзТАГ мухбирларининг хабарларига қараганда, сайлов округларида қуйидагилар рўйхатга олинган:

489-Шўрахон сайлов округидан — Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги «Совет Ўзбекистони» колхозининг сут соғувчиси У. У. Анамуродова.

* * *

6-Оқтепа сайлов округидан — «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Ҳ. Раҳимжонова.

* * *

55-Олмазор сайлов округидан — Тошкент Халқ Хўжалиги институтининг ректори С. С. Ғуломов.

* * *

61-Ҳосилот сайлов округидан — «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори У. Т. Султонов.

* * *

152-Кужган сайлов округидан — Андижон паррандачилик бирлашмасининг бош директори Ҳ. Тешабоев, Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг бригада бошлиғи И. Раҳимов, Ленинск шаҳар 46-мактаб ўқитувчиси М. Саидов, Ленинск шаҳридаги «Социализм» совхозининг бригада бошлиғи М. Раҳимова ва Ленинск совет савдоси техникумининг ўқитувчиси О. Турғунов.

* * *

191-Зармитон сайлов округидан — Бухоро область Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозининг меҳнатчиси М. Холмуродова.

* * *

241-Текстиль сайлов округидан — Наманганд ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Р. М. Бараноза ва шу бирлашма бош директори Т. Жўраев.

* * *

277-Университет сайлов округидан — Самарқанд медицина институти болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедрасининг мудири В. И. Криворучко.

* * *

347-Москва сайлов округидан — Қумқўрғон район марказий касалхонаси жарроҳлик бўлимининг бошлиғи Ҳ. Аминов ва Сурхондарё областидаги «Ўжсурханводстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи А. Тожиев.

* * *

416-Файзиобод сайлов округидан — Фарғона областидаги Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводининг директори Ш. М. Сайдаҳмедов ва «Ўзбекгазстрой» трестининг бошқарувчиси В. Содиқов.

ФАОЛЛИК ОШМОҚДА

● Районимиз меҳнаткашлари йигирма биринчи бор ўзларининг ишончли вакилларини депутатликка кўрсатишяпти. Қайд этиш керакки, бу галгисида илк марта ошкоралик, демократия принципларига амал қилиняпти. Номзодларни юқоридан туширилган «темир рўйхат» асосида эмас, балки сайловчиларнинг ўзлари танлашга интилишяпти. Бир округдан бир неча номзод кўрсатиляпти, кишиларнинг талаби, активлиги ошмоқда.

Буни қуйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди. Районда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига — 3, вилоятга — 18, ноҳияга — 75, қишлоқ Советига — 320 сайлов ўтказувчи округлар мавжуд. Уларнинг қарийб 300 тасида икки ва уч номзод кўрсатилди. Қайсибир номзоднинг депутатликка сайланишини айни кезда айтиш қийин. Кишилар номзодларни аввалгидай мансаби, маълумоти ёки мутахассислигига қараб эмас, биринчи навбатда сиёсий-маънавий жиҳатларига, элнинг ишончини оқлай олиш ёки олмаслигини назарда тутиб танлаяптилар. Мисол учун, «Ленинград» колхозида бўлиб ўтган йиғилишда шу хўжалик агрономи ўзини республика халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Лекин сайловчилар унинг таклифини рад этиб, механизатор Норпошша Ибрагимовани бундай ишончга лойиқ топдилар.

Демакки, муносибларнинг энг муносиблари номзодликка кўрсатиляпти. Бу сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин баҳс, курашлар остида ўтишини ўзўзидан аён қиляпти. Ўз навбатида бу ҳол сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклаши турган гап. Шу боис улар составини тузишда ҳар бир аъзонинг билими, холислиги ва ташкилотчилик уқувига алоҳида аҳамият берилди. Яна бир муҳим жиҳати комиссия аъзоларидан 109 киши ишлаб чиқаришдаги ёки хизмат вазифасидан озод қилинди. Уларга маош тайинланган, бевосита сайлов ишлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратилган.

Яқинда кечқурун Саноат қишлоқ Совети биносида жойлашган участка сайлов комиссиясида бўлдик. Уларга ажратилган хона яхши жиҳозланган, истаган киши сайловларнинг қандай ўтиши ва номзодлар хусусидаги маълумотларни олиши мумкин. Шу боис бу ерда кўпинча одамлар гавжум. Турли хилдаги учрашувлар ўтказилиб турибди.

— Округимизда 30 ўринга 60 номзод даъвогарлик қиляпти, — дейди комиссия раиси Раҳим Искандаров, — Биз уларнинг ҳаммаси депутат бўлишга лойиқ, деб ўйлаймиз. Шунинг учун ҳар бир номзодни тарғиб ва ташвиқ қилишга бирдай муносабатда бўляпмиз, шарт-шароит яратиб беряпмиз. Уларнинг ишончли вакилларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиляпти. Учрашув графиклари ишлаб чиқилган, хўжалик, район, областимизнинг социал иқтисодий ҳаётига доир маълумотлар билан таъминляпмиз.

Ҳақиқатан комиссия аъзоларининг сайловга тайёргарлик ишларида ҳар бир масалага жонкуярлик билан ёндашувлари сезилиб туради. «Бўстон», «Бешта» қишлоқ Советлари территориясида жойлашган комиссиялар фаолияти тўғрисида айниқса илиқ гапларни айтиш мумкин. Лекин ҳамма жойда ҳам иш ана шундай тарзда ташкил этилган деб бўлмайди. Баъзиларнинг ташкилотчилик, ташвиқотчилик фаолиятларида бир талай нуқсонлар бор. Айрим комиссия аъзолари жуда суст ишлаяпти. Номзодларни тарғиб қилишга кўнгилдагидай эътибор беришмаяпти. Энг ачинарлиси, сайловга ҳозирликда бефарқлик ҳолларига дуч келиняпти.

Шунга ўхшаш муносабатни бошқа бир масалада ҳам кўриш мумкин. Тўғрисини айтганда, республика, область, тўла бўлмасада район Советларига депутатликка номзодларни ташвиқ қилиш учун анча кенг имкониятлар бор. Улар бунда матбуотдан, радио ва телевидениедан унумли фойдаланишлари мумкин. Лекин қишлоқ Советлари депутатлигига номзодлар учун бу ўта мураккаб муаммо. Негаки қишлоқ Советининг ўз газетаси йўқ, варақалар чиқариш учун типографиянинг қудрати етмайди. Район, область, республика оммавий ахборот воситалари бўлса қишлоқ Советига депутатликка номзодларни ташвиқ қилишга деярли эътибор бермаяпти. Шу пайтгача уларда бу борада қарийб материал ёритилмади.

Албатта, биз бу масалада колхозларнинг радио воситаларидан самарали фойдаланишга интиляпмиз. Лекин у эҳтиёжни тўла қоплашга камлик қилади. Истардикки, оммавий ахборот воситалари ҳам олий, ҳам маҳаллий Советларга сайланадиган депутатлар фаолиятига бирдай муносабатда бўлса.

Районимизда сайловларга ҳозирлик кўришда биз тажрибаларни кенг ёйишга, камчиликларни тезроқ бартараф этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор беряпмиз. Мақсадимиз — сайловлар ошкора, демократия принципларига тўла амал қилинган, сайловчиларнинг чинакам фаол иштироки таъминланган ҳолда ўтсин.

Т. РАҲИМБЕРДИЕВ,
халқ депутатлари Ҳазорасп район Совети ижроия комитетининг раиси.

СОВЕТЛАР—ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК НЕГИЗИ

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг биринчи кунлариданоқ айрим халқлар ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Доҳий 1917 йилда Украина ишчи ва деҳқонларига ёзган хатида «биз миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини — бир миллатнинг иккинчи миллат устидан ҳеч қандай зўрлигига йўл қўймайдиган иттифоқни истаймиз, мутлоқ тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқни истаймиз деб таъкидлаган эди.

В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган миллий сиёсат, Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг мамлакатимизда миллий муносабатлар соҳасидаги фаолияти ижобий натижалар берди ҳамда совет миллатларининг ижтимоий таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди. Миллатларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун имконият яратилди. Айни вақтда мақсадлар ва орзу-умидларнинг бирлиги билан боғлиқ бўлган янги социал бирлик — совет халқининг шаклланишига олиб келди.

Буларнинг ҳаммаси олдинги тарқоқлик ва ишончсизликни аста-секин бартараф этиш, халқлар дўстлигини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги пайтда турли миллатга мансуб кишилар бирлашиб яшамайдиган ва меҳнат қилмайдиган территориянинг ўзи йўқ. Бу тарихий ютуқларга эришиш аввало, Совет тузуми ва Совет миллий давлатчилиги ривожланиши, Советлар фаолияти туфайли эришилмоқда.

СССР Конституциясининг 36-моддасида «Турли ирқ ва миллатларга мансуб СССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ҳуқуқларни ҳар қандай бўлмасин тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чеклаш, ирқий ва миллий белгиларга қараб гражданларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар бериш, шунингдек ирқий ёки миллий мумтозликни, адоватни ёки камситишни ҳар қандай тарғиб қилиш қонунга мувофиқ жазоланади»,—дейилади. Бу Конституцион қоида ҳамма халқ депутатлари Советларига, уларнинг депутатларига халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим дастурламалдир.

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Партия ҳозирги шароитидаги миллий сиёсати» ҳаракат дастури муҳим ва катта сиёсий-назарий ҳужжат ҳисобланади. Чунончи «Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин партия ва Совет давлати миллий масалада социалистик программани амалга ошира бошлади. В. И. Ленин олға сурган миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ва меҳнаткашларнинг байналмилал ҳамкорлиги шиорлари ана шу программани ўзаги эди» дейилади унда.

Дарҳақиқат, ленинча миллий сиёсатни Совет давлат қурилиши жараёнида мамлакатимизда кўпгина миллатлар ўз давлатларини, миллий-территориал автономияларнинг турли шаклларини қайта тикладилар ёки биринчи марта барпо этдилар. КПСС ва социалистик давлатнинг ғамхўрлиги туфайли ҳозирда мамлакатимизда ленинча миллий сиёсатни одилона ва қатъият билан амалга оширилиши натижасида СССРда 53 дан ортиқ миллат ва халқ ўз давлат ва давлатчилик кўринишларига эга. Мамлакатимизда 15 та Иттифоқчи, 20 та автоном республика, 8 та автоном область ва 10 та автоном округ мавжуд. Совет давлат тузуми миллатлар чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлигининг ҳақиқий намунасидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки ҳамма халқ депутатлари кўп миллатлидир. Советларга турли миллат вакиллари депутат бўлиб сайланган. Бинобарин жойларда давлат ва жамият ишларини бажаришда кўпгина миллат вакиллари бевосита ва актив қатнашмоқдалар.

Буюк ва тарихий ютуқларимиз билан бирга, хали жойларда миллий давлат қурилишида кўпгина ҳуқуқий ва амалий масалалар борки, улар ижобий ҳал этилиши зарур.

Ўз фаолиятига танқидий назар билан қараётган ва мавжуд камчиликларни бартараф этаётган партия ўз миллий территориал тузилмаларига эга бўлмаган миллатлар ғуж бўлиб яшайдиган жойларда миллий районлар, қишлоқлар, посёлкалар ва овул Советлари тузилиши ва миллий группалар ва жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи қонун йўли билан мустаҳкамланиши гояси ни илгари сурмоқда.

Бу қонда ва тавсиялар КПСС ва Совет давлатини, ленинча социалистик миллий давлатчиликни ривожлантириш ва такомиллаштириш сиёсатини, қайта қуриш программасини амалга оширишда ва Совет сиёсий системасини ислоҳ қилишда муҳим босқичдир.

Шу билан бирга, халқ депутатлари маҳаллий Советларини ўз территорияларида социал-иқтисодий ривожлантириш планларини амалга оширишда, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва байналмилал тарбия ишларининг савиясини кўтаришга катта имконият яратади.

Маълумки, Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси ўнлаб район, қишлоқ посёлка ва овулларда кўпгина миллатлар ғуж бўлиб яшаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, асрий ўтроқ халқларнинг ўзини-ўзи бошқариши реал шарт-шароит туғдиришини таъминлаш учун ката ташкилий ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Яъни, республикада ғуж бўлиб яшаётган тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, руслар, уйғурлар, озарбайжонлар, арманлар, татарлар ва бошқаларни ҳисобга олиб, улар дўст, иноқ ва оға-инидек тотув яшаётганларидан қатъий назар тараққий этишлари учун шароит туғдириш зарур.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан «Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури» матбуотда эълон қилинди, сиёсий ва амалий жиҳатдан кўп қиррали Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб, биринчи бор қабул қилинган тадбирлар программаси десак адолатли бўлади.

Ҳужжатнинг энг муҳим томони шундаки, Совет давлатининг сиёсий негизи бўлмиш халқ депутатлари Советларининг тўла ҳуқуқли ваколатини тиклаш, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда уларнинг мустақиллигини таъминлаш, социалистик демократизмни такомиллаштириш, Советларнинг омма билан бевосита алоқасини янада мустаҳкамлаш, Советлар ишида ижтимоий ташаббускор ташкилотларнинг иштирокини активлаштириш зарурлигига катта эътибор берилган.

Ўзбекистон Компартияси жойларда Советларнинг амалдаги тўла ҳокимияти қарор топишига, территорияларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барча масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг кенг қўламдаги иштирокига ҳар жиҳатдан ёрдам беради. Маҳаллий хўжалик составини кенгайтириш, республика, область, шаҳар ва район ўзини ўзи бошқарувининг молиявий базасини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилади. Қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, барча корхоналар маҳаллий бюджетни вужудга келтиришда иштирок этиши лозим.

Аҳоли истиқомат жойларида ўзини ўзи бошқарувнинг муҳим бўғини сифатида маҳалла комитетларининг ҳуқуқлари ва ваколатлари кенгайтирилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан маҳалла комитетларига ходимлар ва иш ҳақи фонди ажратиш масалалари ҳал этилди. Уларнинг мустақиллиги анча оширилмоқда. Кам таъминланган оилаларга, пенсионерларга ва ёлғиз қарияларга ёрдам беришда маҳалла комитетларининг моддий имкониятлари мустаҳкамланмоқда. Онлавий ва қўшнилар ўртасидаги жанжалларнинг, жиноятчиликнинг олдини олишда, ёшларни халқ анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда уларнинг мавқеи кўтарилмоқда. Территорияларни ободонлаштириш, янги объектлар қуриш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни маҳаллий Советлар маҳалла комитетларининг иштироки ва розилиги билан ҳал этадилар.

Умуман истиқомат жойларида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни юксак даражага кўтариш йўлида давр талабига жавоб берадиган қатор тадбирлар тузилиб амалга оширилиятти.

Шубҳа йўқки, бўлажак сайловлар совет кишиларнинг меҳнат ва сиёсий фаолигини оширишда, уларнинг куч-ғайратларини беш йиллик планларини сўзсиз бажаришга қаратишда сафарбар этувчи роль ўйнайди.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

• *Долзарб суҳбат*

ТИЛ ТЎҒРИСИДА ҚОНУНШУНОС ФИКРИ

● Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши тил муаммосини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу Қонунни рўёбга чиқаришга республика Адлия министрлиги бўлинмалари қандай улуш қўшмоқда? ЎзТАГ мухбири И. Алимовнинг бу саволига Ўзбекистон ССР Адлия министрининг ўринбосари Мирзаулуғ Элчиевич АБДУСАЛОМОВ жавоб беради.

— Бизда адлия ташкилотлари ва муассасаларида Қонунни амалга ошириш юзасидан махсус комиссия тузилган. Аниқ-равшан тадбирлар режаси тайёрланган. Бу режалар бизга бўйсунувчи барча идораларга етказиб берилган.

Ҳуқуқшунослар — олимлар ва амалиётчилардан иборат муаллифлар коллективи Давлат тили тўғрисидаги Қонунга батафсил шарҳларни ҳам тайёрладилар. Бу шарҳларда муайян ҳолларда Давлат тилини қўлланиш юзасидан тавсиялар берилган. Ҳукумат комиссияси бу шарҳни муҳокама қилиб, умуман маъқуллади. Тегишли равишда тўлдирилгач, шарҳлар ё вақтли матбуотда ёки алоҳида нашр этилиб, халқимизга етказилади.

Республиканинг амалдаги қонунларидаги тегишли моддаларни ўзгартириш керак бўлади. Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги кодексига тузатишлар киритиш таклиф қилинди. Жумладан, фуқаролар миллатидан қатъи назар, ўз хоҳишларига кўра фарзандларига бобоси ёки отасининг исми-шарифини бериши мумкин. Илгари бунга рухсат этилмасди. Ўзбек миллий анъаналарига мувофиқ, ота-оналарга ўз фарзандлари исмига «хон», «жон», «бек», «бону», «биби», «ой», «хўжа» ва бошқа сифатларни қўйиш ҳуқуқи ҳам берилади. Отасининг исми ёзилаётганида «ўғли», «қизи», «ий», «зода» сифатларини ҳам қўйиш мумкин. Боланинг исми, отасининг исми, фамилияси, ота-оналарининг хоҳишига кўра, битта ёки бир неча сўз билан ёзилиши мумкин.

Ҳар қандай ёшдаги кишилар ҳам ўз исми-шарифларига бундай ўзгартишлар киритишлари мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бинобарин бола 10 ёшга кирганидан сўнг унинг розилигини олиш талаб этилади, 18 ёшдан эса ҳар бир киши бу масалаларни мустақил ҳал қилади.

Исми-шарифига ўзгартириш киритиш учун турар жойдаги ЗАГСга мурожаат қилиш кифоя. Илтимос фақат икки ҳолда, яъни агар мурожаат қилган киши қамалган бўлса, иши судга оширилган бўлса ёки судланган бўлса, агар бундай ўзгаришларга тегишли давлат идоралари қаршилик қилсалар қондирилмайди.

Исм-шарифларни алмаштириш ва ўзгартириш учун катта сарф-харажат бўлишини олдинданоқ айтиб қўйишим керак. ЗАГС ходимлари алоҳида-алоҳида ҳолларда туғилганлик тўғрисидаги, никоҳдан ўтганлик ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларнинг дастлабки нусхаларини тиклашлари керак. Шунингдек, илтимос қилган ҳар бир фуқаро суддан ва терговдан, оиласидан ажралиб, фарзандларига нафақа тўлашдан ва бошқа қонунбузарлик ҳоллари учун масъулиятдан бош тортиб, ғаразли мақсадда исми-шарифини ўзгартиришда фойдаланишига йўл қўймаслик учун тегишли давлат идораларининг текшируви ҳам талаб этилади.

Кейинги вақтларда фуқаролар ўз даврида миллати нотўғри ёзилганлиги учун уни қайта тиклашни сўраб илтимос қилган ҳоллар ҳам бўлади (айниқса, Бухоро ва Самарқанд областларидаги тожик миллатига мансуб аҳолидан шундай илтимослар тушди). Қайси миллатга мансублигини ҳужжатлар асосида ўзгартиришни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди. Ҳозир бу таклифларни тегишли идоралар кўриб чиқмоқда.

Адлия министрлиги юқори идораларга республиканинг амалдаги қонунларини Давлат тили тўғрисидаги Қонун билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги таклифларини юборди. Чунончи, Ўзбекистон ССРнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекси моддаларидан бирини фуқароларнинг номуси ва қадр-қимматини камситганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги қоида билан тўлдириш назарда тутилади. Бундай камситиш мансабдор шахснинг республика Давлат тилини ёки миллатлараро алоқа тилини билмаганлиги сабабли ёзган аризаси, шикоят ёки таклифини қабул қилиш ва қараб чиқишдан бош тортганлигида, деб билинади. Афсуски, бундай ҳолларга йўл қўйилмоқда.

Ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, республика жиноий кодексига ҳам қўшимчалар киритиш талаб этилади. Унда фуқароларнинг ўзаро алоқада, тарбиявий ишларда, ўқишда тилни эркин танлаш борасидаги қонуний ҳуқуқларни камситилиб, уларнинг номуси ва қадр-қиммати тил билмаслик сабабларига кўра камситилиб, тиллардан фойдаланишда тўсқинлик қилиниб ва чегаралаб қўйилиб, бундай хатти-ҳаракатларга ошкора чақириқлар қилиниб, Давлат тили ёки бошқа тилларни менсимаслик ёки унга адоватли муносабатда бўлганлик учун қатъий жазога тортилиш назарда тутилиши керак.

Ва ниҳоят: Давлат тили тўғрисидаги Қонунда унинг айрим моддаларини амалда жорий этишнинг турли муддатлари назарда тутилган. Мен бир нарсага алоҳида эътибор беришни илтимос қилардим: ҳар бир ҳолда қонунда шундай дейилган — бир неча йил давомида (бир неча йилдан сўнг эмас). Бошқача қилиб айтганда, бу муттасил давом этадиган ҳаётий жараёндир. Шунинг учун ҳам зарурат шарт-шароит етилган жойларда белгиланган муддат тугашини кутиб ўтирмай, ҳозирнинг ўзидаёқ Давлат тилини қўлланишга ўтиш мумкин.

СОҒЛОМ ЎССИН ДЕБ...

Кейинги вақтларда республикамизнинг кўпгина областларида чорва моллари орасида юқумли касалликлар кўпайиб бормоқда. Бунинг натижасида маҳсулдорлик пасайиб, маҳсулот сифатига путур етмоқда. Бу борада олимларимиз ҳали кўп иш қилишлари керак. Шу муносабат билан Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти коллективи амалга ошираётган ишлар диққатга сазовор. Айниқса микробиологик бўлими коллективи ёш молларни махсус профилактикадан ўтказиш усулини қўллаётганлари анча самарали бўлмоқда. Кейинги вақтларда олимлар томонидан бузоқ, қўзи ва чўчқа болаларида юз берадиган калибактериоз ва салмонелла касалликларининг олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган вакциналар яхши самара бермоқда. Бу дориларни жорий этиш натижасида 5 миллион сўмликдан зиёд иқтисодий фойда олиш мумкин. Бу муассасада ўз ишининг моҳир усталари меҳнат қилишади. Ветеринария фанлари доктори Иван Бурлуцкий, фан номзодлари Эмиль Япаров, Абдусалом Абдусатторов, Барот Тўрақулов, лобарант Тамара Олимова ва бошқалар янги препаратларни синовдан ўтказишда ибратли ишларни қилишмоқда.

Суратда: (чапдан) ветеринария фанлари номзоди Эмиль Япаров, фан доктори Иван Бурлуцкий ветеринария фанлари номзоди Абдусалом Абдусатторов лабораторияда текширувлари ўтказмоқдалар.

А. НУРИДДИНОВ сурати.
(ЎзТАГ).

ИНКУБАТОРДА— «ГАММА-ЖЎЖАЛАР»

● Ўзбекистон Фанлар академияси биохимия институтининг олимлари товуқ тухумини инкубаторга қўйишдан олдин уни безарар гамма нурлари остига қўйдилар.

Доза — жуда кичик, пляжда тобланган одам тахминан шунча нурланиш олади. Натижа эса ғаройиб: Нурланган тухумдан чиққан жўжа одатдагидан тезроқ ўсади, улғайганида эса бошқа товуқларга нисбатан бир ой олдин тухумга киради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий приборсозлик марказий конструкторлик бюроси институт буюртмасига кўра бир сменада 40 мингта тухум қўйиш мумкин бўлган дастлабки саноат қурилмасини ишлаб чиқди. У Ильич номли паррандачилик бирлашмасида ўрнатилди. Йил якунларига кўра иқтисодий самара ярим миллион сўмни ташкил қилди.

«Витостим» деб номланган иккинчи қурилма ҳам ишга туширишга тахт қилиб қўйилди. У илгариги қурилмага нисбатан учдан бир баравар кучлироқ, унга тўрт киши эмас, атиги бир киши хизмат кўрсатади, қўлда бажариладиган бир қанча ишлар автоматлаштирилган. Тошкент broйлер паррандачилик фабрикасида уни ўрнатиш ишлари тугалланаяпти. Ўзбекистондаги бошқа паррандачилик фабрикаларидан, Болтиқбўйи ва Москва областидан ҳам «Витостим» қурилмаси учун буюртмалар олинди.

Янги қурилмани ишлаб чиқишда биохимия институти билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий приборсозлик марказий конструкторлик бюросининг олтн ходимидан иборат муваққат ижодий коллектив иштирок этди.

• Ўзбекистон ва жаҳон •

ИРРИГАТОРЛАР УЧРАШУВИНИНГ АКС-САДОСИ

— Тошкентда ўтказилиб, қурғоқчилик минтақаларидаги сув ресурсларини режалаштириш ва бошқаришга бағишланган регионлараро семинар жуда соз ташкил этилгани учун миннатдорчилик билдирмоқчимиз...

Бу меҳмоннинг мулозамати, иззат-ҳурмат учун миннатдорчилигими? Эҳтимол, бу ҳам бордир. Чунки БМТнинг ҳамкорлик ва ривожланиш маҳкамасида сув ресурлари бўлимига бошчилик қилаётган К. А. Эдвардс кўпгина мамлакатлар олимлари ва мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини ифодалаган эди. Бу мамлакатлар орасида Афғонистон, Жазоир, Аргентина, Ботсвана, Гамбия, Миср, Замбия, Ҳиндистон, Иордания, Мали, Марокаш, Мўғулистон Халқ Республикаси, Яман Халқ-Демократик Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Сомали, Танзания, Туркия, Эфиопия, Ямайка... бор. Худди шу ўринда бошқа бир гапни айтиш лозим бўлади.

...Ҳозир бир ирригаторларимизни зўр бериб танқид қиляпмиз. Бу «бечоралар» зиммасига қўймаган айбимиз қолмади. Умрида ариқ чиқармаган «қўлбола» сувчи ҳам, эҳтироси жўш уриб турган норасмий ташкилот аъзоси ҳам, бизнинг биродаримиз бўлган журналист ҳам ўзини олим ҳисоблаб, ундоқ суғориш керак эди, бундоқ суғориш керак эди, деб маслаҳат бераверади. Дуруст, адолатли гаплар ҳам айтиляпти, лекин кўпинча баҳсда «даҳанаки жанг»дан нарига ўтаётганимиз йўқ. Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг, футбол ишқибози командага бош бўлиб қолса, нима бўлади? Бундай бўлиши мумкин эмас, демоқчимисиз? Ҳа, футбол ихлосмандлари тренерга ўргатишнинг ҳожати йўқ, дейдилар, албатта. Бунинг устига ирригация футбол эмас. Умидворманки, суғоришда бундай воқеа содир бўлмас.

Хўш, сув хўжалиги ходимларимиз янглишмадиларми? Янглишишган! Лекин яхши ишлар ҳам борку. Шулардан бир шингил:

— Семинар ўтказиш учун Тошкентни танлаб олганлигимизнинг боиси шундаки, қурғоқчилик зоналарида сув ресурсларини режалаштириш ва уларни бошқариш бобида сиз тўплаган тажриба таҳсинга лойиқдир, — дейилади Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти, яъни илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси номига келган хатда, учрашув ҳам шу бирлашмада бўлган эди. — Семинар қатнашчилари докладларга юқори баҳо беришди. Мирзачўлга сафар ва бошқа объектларни кўздан кечириш уларга манзур бўлди. Ер юзидаги сув ресурслари жуда кам бўлган мазкур қурғоқчилик минтақасида ана шу ресурслардан оқилона фойдаланиш бобида Ўзбекистонда қўлланилаётган усуллар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Энди меҳмонлар эътиборига сазовор бўлган тажриба манбалари ҳақида айтиш керак. Булар ВАСХНИЛ, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги давлат комитети, САНИИРИ, «Узбекгидрогеология» бирлашмаси, Ўрта Осиё гидрометеорология тадқиқотлари илмий институти, «Средазгипроводхлопок», Мирзачўл, Зарафшон воҳаси, Сирдарё ҳавзасидаги мелиорация ташкилотларидир...

Инсон фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан бирида республикамиз орттирган илмий, техникавий, ишлаб чиқариш потенциали шу қадар юксак даражада эътироф этилишидан фахрланишимиз керак-ку, ахир! Кўпгина мамлакатлар ўзларини ҳаяжонга солиб турган муаммоларга Ўрта Осиёдан жавоб топишаётганидан ифтихор этишимиз лозим эмасми?

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари учун атайлаб Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган бошқа халқаро семинар қатнашчиларининг баҳоси-чи?! Ушбу йиғиннинг якунловчи ҳужжатида бундай дейилган: «Истеъмолчиларни аниқлашдан тортиб сув сарфини назорат этишгача Сирдарё ҳавзасида сувдан оқилона фойдаланиш моделини ўрганиб чиқиб, семинар қатнашчилари «Сирдарё модели»дан Лотин Америкасидаги сув ресурсларини бошқаришда қўлланиш имкониятларини кўриб чиқишга ўтдилар.

Тажрибани ўргангандан кейин ундан фойдаланишга ўтиш ушбу семинарга хос бўлган хусусиятдир. Айтайлик, суғориш ва дренаж системаларининг оптимал конструкцияларини танлаб олишга бағишланган бўлим якунланяпти, дейлик, энди буёғига қулоқ солинг: «Лотин Америкасидаги суғориш лойиҳаларида ана шундай системалардан фойдаланиш имконияти қизиқиш билан муҳокама қилинди».

Эҳтимолки, мезбонлар меҳмонлар учун кўз-кўз қилса бўладиган нарсаларни атайлаб танлаб олишгандир. Сира бундай бўлгани йўқ! Ўрта Осиё республикаларидаги сув хўжалиги вазияти шарҳланаётганида қийинчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар, амалга оширилиши мўлжалланаётган режалар ҳақида ошкора гапирилди.

Бу ҳам фойдали бўлди. Буни қарангки, худди Тошкентда меҳмонлар ва мезбонлар Аргентина, Боливия, Бразилия, Мексика, Перу, Чили, Эквадор...даги сув ресурсларининг аҳволини синчиклаб таҳлил қилдилар.

«Семинардаги мунозаралар шуни тасдиқладики, Ўрта Осиёда, умуман, бошқарув ишида, хусусан суғоришда яқин ўтмишда орттирилган тажрибанинг кўп қирралари бор, булардан Лотин Америкаси учун тегишли хулосалар чиқариб олиш мумкин ва қуйидагича мантиқий хулоса юзага келди: «Мазкур семинар Лотин Америкасидаги турли мамлакатлар ҳамда Ўрта Осиёдаги сув хўжалиги институтлари ўртасида бўлажак ҳамкорлик режаси йўлидаги дастлабки қадамдир, холос».

Демак, жаҳон бизга кўз тикиб турибди, бизнинг олимларимиз, лойиҳачиларимиз, қурувчиларимиз, мироблариимиз ҳам она-Ватан манфаати, ҳам сув деб чанқаб турган Ер юзи манфаатини ўйлаб ишламоқдалар.

Юртдошимиз бўлган мелиораторларнинг хайрли ишларига меҳнатларига яраша баҳо беришга нима етсин.

Е. ЕФИМОВ.
ЎзТАГ шарҳловчиси.

• Янги томоша •

«МУШКУЛ САВДО»

Республика театрлари фестивали нисбатан янги анъана. Бу йил 29 январдан 6 февралгача у жумҳуриятимизда иккинчи бор ўтказилади. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, республика Театр арбоблари уюшмаси ва Бутуниттифоқ «Союзтеатр» бирлашмасининг Ўзбекистон бўлими ҳамкорликда уюштираётган бу театрлар байрами регионал «Наврўз» фестивалида қатнашиш учун энг яхши саҳна асарини аниқлаш билан бирга саҳна ижодкорларининг ютуқ ва камчиликларини ҳам белгилаб беради.

Муқимий номидаги республика музикали театри фестивальда Машраб Бобоевнинг «Мушкул савдо» музикали драмаси билан қатнашади.

Манфаат аралашган жойда самимият йўқолади, табиийлик барҳам топади. Манфаат дўстни дўстдан, акани укадан, отани ўғилдан ажратади. Эру хотин орасига манфаат тушса силага путур етади.

Муқимий номидаги республика музикали театрида Машраб Бобоев пьесаси асосида саҳнага қўйилган «Мушкул савдо» музикали драмасини кўриб шулар хаёлимга келди. Бинобарин, Остон хотини Ойхондан манфаатдор. Ойхон район партия комитетининг биринчи котиби, унинг орқасидан Остон мактаб директори бўлган. Одамлар хотини тўғрисида у-бу гапларни гапирса ҳам Остон индамайди. Тўйларининг ўн йиллигини нишонлаб ўтирганда гапдан гап чиқиб, Остон бу ҳақда хотинига айтади, кўнглида унга нисбатан шубҳа борлигини билдиради. Шунда Ойхон эрининг юзига шартта-шартта гапиради, аммо Остон «Мен сени яхши кўраман» деб ўзиниям, хотининиям овутади. «Илгари яхши кўрардингиз. Самимий эди яхши кўришингиз. Энди эса орамизга манфаат аралашди», дейди Ойхон. Бу каби таънани эшитиш эркак учун оғир, бироқ Остон бунга ҳам чидайди, ўзини хотини олдида қул сингари тутади.

Лекин ҳар бир нарсанинг меъёри, чегараси бор. Остоннинг сабр-бардоши, иродаси ҳадсиз эмас. Ана шу ўтириш жараёнида эр-хотин фикран курашади, иккови ҳам ўзининг нуқтаи назарини баён қила боради. Хотинини яхши раҳбар, меҳрибон аёл деб ўйлаб юрган Остон янглишгани аён бўлади. Ойхон аёл бўла туриб бағритош, қаҳри қаттиқ бўлиб кетгани кўриниб қолади. Хусусан, аёлларга нисбатан унинг муносабати Остоннинг кўзини очади. Бир аёл ўзига ўт қўйганини хабар қилишганда Ойхоннинг ҳақиқий башараси намоён бўлади. У аёл шўрлик, ўзига ўт қўйиши сабабини у ўйлаб ҳам ўтирмайди, бир манжалақи ўзига олов қўяди-ю, жавобини мен бераман, деб ўз мавқеидан, лавозимидан ташвишга тушади. Бунинг учун ўша аёлнинг ўзини, унинг эрини айблайди. Бундай даҳшатли воқеалар содир бўлишига олиб келаётган ижтимоий масалалар — районда меҳнаткаш аёллар учун зарур шароитлар йўқлиги, одамларнинг моддий аҳволи оғирлиги унинг хаёлига ҳам келмайди. Хотининнинг барча қилиқларини, у ҳақдаги ҳамма гапларни ичига ютиб, кечириб келган Остон бу гапларни ҳазм қилолмайди. Тўйларининг ўн йиллигини нишонлаб ўтирган тантанали бир тунда хотинини ташлаб, уйдан чиқиб кетади.

Драматург ва режиссёрлар ижтимоий чуқур масалани кўтарган. Бир вақтлар хотин-қизларни кўр-кўрона, унинг қобилияти ва ташкилотчилик истеъдоди борйўқлигига қарамай, турли лавозимларга кўтаришнинг оқибати нималарга олиб келгани ҳақида алам билан ҳикоя қилади. Хотин-қизларнинг раҳбарлик курсиларида ўтиришига ҳеч ким қарши эмас, ажойиб, ташкилотчи, тадбиркор раҳбар хотин-қизларимиз кўп. Аммо Ойхонга ўхшаган аёлларнинг раҳбарлиги туфайли не-не кўнгилсиз ҳодисалар рўй берди. Ўз оиласига, фарзандларига меҳр қўйолмаган аёл бутун бошли бир районга етакчилик қила олармиди?! Минглаб одамларнинг кўнглига, юрагига қулоқ солиб, уларнинг дардига малҳам бўла олармиди?! Бу оғир масала.

Ойхон ролини Норпошша Ҳасанова билан Меҳрихон Бекжонова ижро этади. Ҳар иккала актриса образга ўзича ёндошган. Норпошшанинг Ойхонида қандайдир салобат, вазминлик бор. У актриса сифатида катта имкониятларга эга эканини кўрсатди. Аммо арияларни куйлашда баъзи ўринлар қиёмига етмай қолмоқда. Образнинг кульминацияси бўлган «Фалак» ариясида бу нарса кўпроқ сезилаётир. Меҳрихон эса худди мана шу ерда томошабинларни ларзага солмоқда. Қаҳрамоннинг ички дунёсини очиб беришда иккала актриса ҳам анча меҳнат қилгани сезилиб турибди. Бинобарин, Ойхон мураккаб образ. Бир қараса вафодор ёр, бир қараса бюрократ раҳбар. Туйғилари ҳам қатъий эмас, ўзгарувчан. Унинг бундай товланишлари Норпошша ва Меҳрихон ижросида ўзининг тўла талқинини топган.

Турғун Бекназаров билан Александр Бекжонов Остон ролини ижро этмоқда. Т. Бекназаровни бошқа спектаклларда ҳам етакчи ролларда кўрганмиз. Остон унинг навбатдаги яхши образларидан бири бўлиб қолади, десам хато бўлмас. А. Бекжонов ҳам образни яхши талқин қилганини таъкидлаган ҳолда, қаҳрамонни психологик жиҳатдан таҳлил қилишда муайян камчиликлар борлигини эслатмоқчиман. Албатта, ҳар бир актёр образни ўзича тушунади, ўзича талқин қилади. Шундай бўлгани ҳам тузук, иккови бир-бирини такрорласа у ҳолда актёрнинг ўзлиги қолмайди. Шу маънода Т. Бекназаровнинг Остони ҳам, А. Бекжоновнинг Остони ҳам ўзига хос, кимгадир унинг, кимгадир бунинг ижроси маъқул келиши табиий. Менингча, иккала актёр ҳам қаҳрамон характерини очиб бера олган.

Спектаклнинг ютуғида уни саҳнага қўйган театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев ва режиссёр Оловиддин Муҳиддиновнинг хизмати катта. Бор-йўғи икки киши қатнашадиган асарни томошавийлигини таъминлаш осон эмас. Ойхон ёшлигини эслаб куйлаганда саҳна ортида Остоннинг суратлари ва Остон шу ҳолда куйлаганида Ойхоннинг суратлари кўрсатилиши ўзига хос янгилик, режиссёрлар ижодий изланишининг самараси. Шу имкониятдан финалда ҳам фойдаланса спектакль ютарди. Бошқача айтганда, Остон чиқиб кетгандан сўнг Ойхон фарёд чекиб куйлаётганда саҳнада Остоннинг ва иккининг ўйдаги, ЗАГСдаги, ундан кейинги, қолаверса болаларининг суратлари кўрсатилса, асарнинг таъсирчанлиги ошар эди.

Бир бурчакда турган жонсиз телефон спектакль воқеаларининг ривожида, қаҳрамонлар характерининг очилишида муҳим аҳамият касб этган. Остон «Қора ботир» деб атайдиган телефон орқали кўп нарса маълум бўлади. Қандайдир ёзувчи курортда Ойхонга ишқибозлик қилгани, ҳозир Тунисдан ижодий командировкадан қайтгани ва Ойхонга бот-бот қўнғироқ қилаётгани кўп маъно касб этади. Ҳатто Остон ўн йиллик «қуллиқ»дан озод бўлиб, уйдан чиқиб кетаётганда Ойхон ўшанга ишора ҳам қилади. Аммо у ўткинчи ҳавас экани, қолаверса бу ишлар лавозимига, обрўсига мос эмаслигини, эгаллаган даражасидан тушиб кетмаслиги учун фақат Остон кераклигини тушуниб етади. Тушуниб етадию «оҳ» чекади, бироқ кечиккан эди. Телефон воқеалар динамикасида муҳим восита бўлиб, бу спектакль ижодкорларининг ютуғидир.

Рассом Собир Бегматов ишлаган безакларда рамзий ишоралар кучли. Парда очилмасдан олдинги саҳна пахта бунтини эслатади. Бу эса шубҳасиз томошабинни пахта ва у билан боғлиқ муаммолар ичига олиб киради. Демак, спектакль бошланмасиданоқ томошабин руҳан тайёрланади. Диван ва креслоларнинг гоҳ саҳна олдига, гоҳ ортига бориб келиши бу оиланинг чайқалиб турганига ишорадир.

Бастакор Ҳабибулла Раҳимов асарга мусиқа ёзган. Спектакль давомида янграйдиган гоҳ босиқ, гоҳ шўхчан оҳанг воқеаларнинг узвийлигини таъминлашда, характерларни ёрқинлаштиришда катта аҳамиятга эга. Мусиқа асарнинг умумий руҳига мос ва сингиб кетган дейиш мумкин. Мусиқанинг ўрнига тушишида дирижёр Э. Тошматовнинг хизмати кўп сингмоқда.

Спектаклнинг бу каби ютуқлари кўп. Аммо баъзи мулоҳазалар ҳам борки, уларни айтмай илож йўқ. Театр муқаддас даргоҳ. У маърифат ва тарбия маскани. Шу маънода қаҳрамонларнинг ўпишишлари меъёридан ошиб кетгандай туюлади. Тўғри, эр-хотин ёлғиз ўтиришипти, тантанали тун, бир-бирини яхши кўради. Бундай ҳолда ҳамма нарса бўлиши мумкин, аммо ана шу ҳамма нарсани саҳнада кўрсатиш шартми? Эр-хотин танҳо дастурхон безаб ўтиришининг ўзи кўп нарсани тушунтиради. Қолаверса, ниятни имо-ишоралар билан ҳам ифодалаш мумкин-ку. Халқимиз учун энг муқаддас бўлган шарм-ҳаёни, иффатни эсдан чиқармайлик. Афсуски, бу хислатлар шундоқ ҳам йўқ бўлиб бормоқда. Театрларимиз унинг янада йўқолишига эмас, сақлаб қолишга хизмат қилсин. Мен Т. Бекназаров ва Н. Хасанова ижросини ҳам, А. Бекжонов ва М. Бекжонова ижросини ҳам кўрдим. Юқоридаги ҳолат айниқса кейинги ижрочиларда ҳаддан ошиб кетгандай туюлди. Асарнинг асосий мақсади эр-хотиннинг интим муносабатини кўрсатиш эмас. Уларнинг ўтириши, баҳси ижтимоий муаммоларни айтиш, улар мисолида шуларга ўхшаш одамларнинг асл қиёфасини кўрсатиш учун бир баҳона, холос. Шу боис интим муносабатларга кўп урғу бераверишмас томошабинни асосий мақсаддан чалғитади. Яна бир фикр. Спектаклнинг биринчи саҳнаси бироз суст, ҳатто бир мунча зерикарли. Режиссёр ва актёрлар шуни ҳам ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Спектакль ҳали янги. Атиги тўрт-беш марта ўйналди, холос. Ижродан ижрога пишиб, мукаммаллашиб, сайқал топиб бориши шубҳасиз.

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

«Мушкул савдо» спектаклидан кўриниш. Остон ролида Турғун Бекназаров, Ойхон ролида Норпошшо Ҳасанова.

С. МАҲКАМОВ сурати.

АХБОРОТ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **САМАРҚАНД.** Советобод районидаги Олга қишлоғида янги клуб биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда янги фильмлар, видеотомошалар, турли спектаклар намойиш этилмоқда. Яқинда бу ерга «Лазги» ансамблининг қатнашчилари меҳмон бўлишди. О. Отажонов раҳбарлигидаги санъаткорлар ўз концертлари билан кўпчиликни мамнун этишди.

С. РАСУЛОВА.

● **ФАРҒОНА.** Ўзбекистон районида «Экология» шанбалиги ўтказилди. Ҳашарга чиққанлар сафи 6 мингдан знёд кишини ташкил этди. Ишлаб топилган маблағ 8365 сўмни ташкил этиб, у Орол ёрдам фондига ўтказилди.

А. БАҲРИДДИНОВ.

● **НУРОТА.** «Нурота» давлат наслчилик совхози сертармоқ хўжаликлардан ҳисобланади. Совхоз катта меҳнат ютуқлари эвазига 3 марта Бутуниттифоқ, 5 марта республика социалистик мусобақаси байроғини қўлга киритган. Совхоз қўрғони ободонлашиб бормоқда. «Қундуз» универмагида харидорларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш уйи фойдаланишга топширилди. Бу ерга аҳоли 12 хил юмуш бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

С. АБДУЛЛАЕВ.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Реклама ва эълонлар

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ ШАРТ

Кўрилаётган эҳтиёт чораларига қарамай республикада ёнғин чиқиш ҳоллари ташвишли даражада кўпаймоқда. Айниқса турар жойларда содир бўлаётган ёнғин ҳодисалари катта хавф туғдирмоқда. Олов чангалида қимматли моддий бойликлар, иморатлар, турар жойлар барбод бўлиб, юзлаб кишилар ҳалок бўлмоқдалар ва майиб-мажруҳ бўлиб қолмоқдалар.

Умуман Ўзбекистон бўйича 1989 йилда ёнғин чиқиш ҳоллари 30 фоизга, етказилган зиён миқдори эса 2.1 баравларга кўпайди. Электр иситиш асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши туфайлигина аҳоли яшайдиган уй-жойларда 4000 дан ортиқ ёки 1988 йилга қараганда 27,2 фоиз кўп ёнғин чиқди.

БУНДАЙ КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА ЮЗ БЕРМАСЛИГИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ЭСДА ТУТИНГ:

Электр иситиш асбобларини тез алангаланадиган нарсалар, пардалар ва дарпардалар, каравотлар, гулқоғоз ёпиштирилган деворлар ва ёғоч тўсиқлар яқинига қўйманг, шунингдек бу хилдаги асбобларни болалар ёнида назоратсиз қолдирманг. Иссиқ дазмолдан фойдаланаётганингизда уни фақат сопол ёки бошқа ёнмайдиган таглик устига қўйиб ишлатинг. Дазмоллашни тугатганингиздан сўнг уни электр манбаидан узиб қўйиш зарур.

Айниқса электр чойнакларни ўз вақтида ўчириб қўйишни унутманг, акс ҳолда ундаги сув бўғланиб, чойнак корпуси эриб кетади ва унга тегиб турган нарсаларни куйдириб қўйиши мумкин.

Энг кўп ёнғин чиқиш хавфини электр печлари келтириб чиқаради. Шу сабабли фақат фабрикада тайёрланган печлардан ёнғинга қарши кураш қоидаларига қатъий риоя этган ҳолдагина фойдаланишга рухсат этилади.

ЭЛЕКТР ЁРИТГИЧ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

— электр симларини михга илиш;
— иссиқ кавшарлашсиз ва изоляциясиз симларни улаш;
— электр симлари устидан гулқоғоз ёпиштириш;
— қўйган предохранителларни қўлбола мосламалар билан алмаштириш;
— электр чироқларини қоғозли ёки матоли абажурлар билан тўсиш;
— носоз розетка, виключатель ва патронлардан фойдаланиш, электр симларига ва виключателларга кийим-кечакларни осиш;
— ишлаб турган телевизор ва приёмникларни қаровсиз қолдириш.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЖАМИЯТИ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

«Узбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА

20 ВА 21 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

«СЕВГИ ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Қизлархон ДУСМУҲАМЕДОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ЗИЕДА МАДРАҲИМОВА ва
ОДИЛЖОН ҚАМОЛХЎЖАЕВ
ЛИРИК ХОНАНДА
ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ
Ўзбекистон ёш хонандалар кўригининг совриндори
МАШРАВЖОН ЭРМАТОВ
«КАМОЛОТ-89» кўригининг совриндори
ШОМАҲМУД ШОРАҲМЕДОВ
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиосининг яккахон хонандалари
КОЗИМ ҚАЮМОВ ВА СОРА ТОШМАТОВА

ПРОГРАММАНИ — миниатюра ва сўз устаси ШУҲРАТ АБДУЛЛАЕВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилмоқда.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/I да **Раймонда** (19.00), 20/I да **Хива ордени**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Мирзо Улуғбек** (19.00), 20/I да **Келинлар кўзголони** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да **Ана-ука совчилар** (19.00), 20/Iда **Муҳаббат навоси** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Алвидо, ҳаёт** (15.00), **Отасининг қизи** (19.00), 20/I да **Паранжи сирлари** (19.00).

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими М. Абдуқодировга акаси

Абдулазиз Ҳаллоқбердиевич КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги коллективи, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти О. Худойшукуровга отаси

Абдулла ХУДОЙШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР давлат банкидан

Рус ёзувчиси — А. П. Чехов таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан эсдалик тангани муомалага чиқариш тўғрисида

1990 йилнинг 18 январидан рус ёзувчиси — А. П. Чехов таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан 1 сўмлик эсдалик танга муомалага чиқарилади.

Қиймати 1 сўмлик эсдалик танга оқ рангли мис — никель қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 31 миллиметрли доира шаклига эга.

Тангани олди ва орқа томони айлана бўйлаб қабариқ ҳошияга эга.

Тангани олд томонида СССР Давлат герби жойлаштирилган бўлиб, «СССР», «1 рубль» ва «1990» ёзувлари бор.

Тангани орқа томонида А. П. Чеховнинг бўрттириб ишланган тасвири бўлиб, унинг ўнг томонидаги икки қаторда «1860» ва «1904» саналари, чап томонида ёзувчи, драматург, врач буюмлари, қуйи қисмида эса адибнинг имзоси бор.

Тангага гардишининг устки қисмида «один рубль» сўзлари ўйиб ёзилган ва иккита нуқта билан ажратилган.

А. П. Чехов таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан эсдалик тангага уч милион донада, шу жумладан 0,4 милион донаси яхшиланган сифат билан муомалага чиқарилмоқда.

Ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда мазкур танга давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, колхозлар ва айрим шахслар томонидан тўловларнинг ҳамма турларида ўз нархида, шунингдек СССР банклари муассасалари ва алоқа министрлиги корхоналарида жорий, ҳисоб-китоб счётларига қўйиш, омонатлар, аккредитивларга ҳамда бошқа жойларга юбориш учун ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилиниши шарт.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04040. № 16. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12